

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК 894.375.09*

РАСУЛОВ АБДУФАФУР РАҲИМОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТАНҚИДЧИЛИГИДА  
ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН МУАММОСИ**

10.01.02 – Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)  
10.01.08 – Адабиёт назарияси

Филология фанлари доктори илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2002

Тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

*Расмий оппонентлар:*

ЎзРФА академиги, филология  
фанлари доктори, профессор  
**Б.А. НАЗАРОВ,**

Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган фан арбоби,  
филология фанлари доктори,  
профессор **С.З. МИРЗАЕВ,**

Филология фанлари доктори  
**Д.Х. ҚУРОНОВ.**

*Етакчи илмий муассаса –*

Низомий номидаги Тошкент  
давлат педагогика универси-

00 да Ўзбекистон  
Навоий номидаги  
тори илмий дара-  
ҳимоя қилиш бў-  
ий кенгаш йиғи-  
ов кўчаси, 9-уй).

аси Фанлар ака-  
мумкин (700170,

тарқатилди.

  
**А. ЖАЛОЛОВ**

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида ижтимоий фан соҳаларида сифат жиҳатидан теран илмий тадқиқотлар юзага келиши учун кенг имкониятлар очилди. Бу эса ўз навбатида адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида ҳам маънавий қадриятларни, адабий ва тарихий манбаларни ўрганиш, уларни ҳаққоний баҳолаш, таҳлил ва талқин қилишда янгича мезонлар асосида иш кўриш имкониятини вужудга келтирди.

Албатта, ҳеч қандай тузум талқин ва таҳлилни инкор этмайди. Лекин айрим жамиятлардаги мавжуд сиёсий-мафкуравий муносабатлар тизими холис, ҳаққоний талқинга имкон бермаганлиги сир эмас. Шу маънода, мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий вазият туфайли маънавий қадриятлар ва адабий манбаларни холис, ҳаққоний илмий талқин этишга кенг йўл очилгани адабиётшуносликнинг ютуғидир. Президент Ислоҳ Каримов Навоий шаҳрида Алишер Навоийнинг ёдгорлик мажмуи очилишида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келатган экан, бу улуг меросдан ҳалқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксақликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада тегинроқ ўрганишга, унинг умр дафтарида ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади”<sup>1</sup>.

Миллий мафкура, истиқлол ғоясининг илм-фан, хусусан, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига сингиб бориш жараёни бадиий матннинг холис, илмий таҳлил ва талқин этилаётганида намоён бўлаётир. Таҳлил ва талқин адабий танқиднинг пойдевори ҳисобланади. Адабий танқид эса адабиётшуносликни тутиб турадиган уч мустаҳкам устундан бири. У бадиий асар воқитида ҳаёт, инсон ҳақида мушоҳада юритади; бадиий асарнинг ижтимоий-маданий муносабатларидаги ўрни, вазифаси, миллий-мафкуравий, умуминсоний моҳиятини ёритади; фалсафий-эстетик қиймати, тарихий-маданий қатламдаги ўрнини

<sup>1</sup> Каримов И. А. Улуғлари эъзозланган юрт заволи кўрмади. // Ҳалқ суҳб. -2001. -25 август.



белгилайди; бадий асар руҳига сингдирилган, унинг “жони”га айланиб кетган гўзалликларни кашф этади, илмий-мантиқий хулосалар асосида бадийлик мезонини белгилашга йўналтиради.

Талқин ҳақидаги қарашларнинг асосий манбаларидан бири ўзлаштириш (рецептив) эстетикасидир. Бу мураккаб жараёнда адабий танқид ҳам маънавий қадриятларни эъзозлаш, ўрганиш, ўзлаштириш йўлидан боради. Ўзлаштириш эстетикаси маънавий қадриятлар, хусусан, бадий ижод намуналарини қабул қилиш, онг-руҳ-қалбга сингдириш жараёнини ёритса, адабий талқин ўзлаштирилган гўзалликнинг ҳаётга қайтарилиши, бойитилган қадрият сифатида қайта туғилган ҳолатидир.

Таҳлил ва талқин ички ҳамда ташқи жараён сифатида кечади. Адабий матн яратувчиси айни пайтнинг ўзида ички, пинҳоний талқинчи ҳамдир. Матн яратувчининг истеъдоди юксак бўлса, унинг талқинчи сифатидаги талабчанлиги ҳам шунчалик жиддий, шафқатсиз. Даҳо санъаткорлар руҳидаги танқидчи-талқинчи яратилган матннинг моҳиятини баҳолай олади.

XX аср ўзбек танқидчилиги бошидан кечирган мураккаб даврда янги шаклланган адабий танқид руҳида миллатпарварлик, ҳолис адабий талқинга интилиш тамойили етакчи эди. Шўролар даврида эса танқид коммунистик мафкура дастёрига айланди. 80-йиллардан эътиборан адабий танқидда ошкоралик, шиддаткорлик сезила бошлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳолис талқин адабий танқиднинг тамал тошига айлана борди. Бу даврда англаш, қизиқиш, тушуниб етиш тамойили кўзга дарҳол ташланади. Ҳозирги пайтда ўзбек танқидчилиги учун “миллий ғояни тараннум этишга, истиқлол мафқурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга, айниқса, эътиборни кучайтириш зарур. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қашшоқлигига қарши курашиш, баҳс-мунозара, танқид ва таҳлиллар орқали мафқуравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш”<sup>1</sup> асосий масала бўлиб турибди.

Кейинги йиллар танқидчилигида бадий асарларни ҳолис ўрганишга, унинг маънолар қатини очишга, таҳлиллар ҳар хиллигига эътибор ортди. Бадий асарга биографик, ижодий-генетик, онтологик, тарихий-функционал ёндашув ҳамда бадий матнни мақсадли таҳлил қилиш тамойиллари кучайди. Таҳлилнинг структурал (таркибий), семиотик (белгилар назариясига асосан), ботиндан боқиб, майдалаб текшириш (микроана-

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 65.



лиз) йўсинлари кенг қўлланила бошлади. Систем (тизимли) таҳлил, бадиий асарга яхлит тирик организм сифатида ёндашув, яъни онтологик муносабат бу жараёнда устунлик қилмоқда. Ўзбек адабий танқидчилигида ХХ асрнинг сўнгги чорагида кечган ўзгаришлар адабиётшунослик фани олдига уларни изчил илмий тизимда ўрганиш вазифасини қўйди.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқид тарихини ўрганиш масалалари ҳар доим мутахассисларнинг диққат марказида турган илмий муаммо саналади. Бу жиҳатдан адабиётшунослик илми қатор самарали тадқиқот ва илмий натижаларга эришди<sup>1</sup>. Дастлаб академиклар И.Султон, Б.Назаров, Б.Валихўжаевнинг махсус тадқиқот ва қўлланмалари<sup>2</sup> ҳамда бевосита адабий танқид тарихини ўрганишга қаратилган докторлик ва номзодлик диссертациялари<sup>3</sup> фикримизнинг далилидир.

<sup>1</sup> Ёқубов Х. Ўзбек адабий танқиди ва адабиётшунослигининг ривожланиши йўллари / Ёқубов Х. Сайланма. 1-жилд. -Т.: 1983; Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи. 1- 2 жилд. -Т.: Фан, 1987.

<sup>2</sup> Султон И. Адабиёт назарияси.-Т.: Ўқитувчи, 1980; Б.Назаров. Ўзбек адабий танқидчилиги. -Т.: Фан, 1979; Б.Назаров. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи курси дастури.-Т.: 1998; Валиходжаев Б. Из истории развития литературно-критической мысли в Узбекистане ХУ-ХІХ в.в. АКД. -Самарканд: 1960; Валихўжаев Б. ХУ-ХІХ асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан (Ўзбек шеърини ва адабиётшунослиги тарихидан). 138-нашр. -Самарканд., 1964; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Х-ХІХ асрлар. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

<sup>3</sup> Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топиши ва тараққий этиши. Филология фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация, 1983; Шокиров Ў. Танқидчининг ижодий ўзига хослиги ва адабий-тарихий жараён. Филология фанлари доктори ... диссертация, 1987; Болтабоев Х. ХХ аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филология фанлари доктори ... диссертация, 1996; Содиков С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид. Филология фанлари доктори ... диссертация, 1997; Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилида услуб ва маҳорат муаммолари. Филология фанлари доктори ... диссертация, 2000; Назаров Б. Ўзбекистондаги марксча-ленинча адабий танқидчилик соцреализм учун курашда. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1973; Азимова М. Комил Яшиннинг адабий-танқидий қарашлари. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1976; Бойназаров Ф. Ўзбек танқидчилигида тарихий драма муаммолари. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1979; Абдуллаев О. Макеуд Шайхзоданинг адабий-танқидий қарашлари. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1981; Дўстқораев Б. Ўзбек танқидчилиги шўро адабиётининг гоъвий-эстетик яхлитлиги учун курашда. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1986; Қосимов У. Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий фаолияти. Филология фанлари номзоди ... диссертация. Москва, 1989; Тожибоев Р. ХХ аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1993; Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1993; Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1995; Каримов Б. Вауд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1995; Умрзоқов Ф. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1996. Журақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. Филология фанлари номзоди ... диссертация, 1999.

Адабиётшуносликда кейинги 20 йил ичида илмий-қиёсий таҳлилга эътибор кучайгани, жаҳон адабиётининг илмий муаммоларини белгилашда шарқ ва ғарб адабиётлари алоқалар замиридан келиб чиқиб иш кўрилаётгани, шарқ адабиётшунослигининг ўзига хос поэтика мактаби сифатида тан олинаётгани, туркий адабиётлараро генетик бирлик муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани адабиётшунослигимиз эришаётган ютуқлардан биридир<sup>1</sup>.

Ўзбек мумтоз адабиёти муаммоларини ўрганиш, ўз даврида етарли даражада тадқиқ этилмаган тасаввуф адабиёти, адабий муҳит ва мактаблар, сарой адабиёти ва шарқ адабиётшунослиги каби масалалар А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, И.Ҳаққулов каби олимларнинг монография ва рисолаларидан ўрин олган. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Ҳ.Абдусаматов, А.Қулжонов китобларида<sup>2</sup>, Б.Валихўжаев, Ш.Холматов, Н.Худойберганов ва Б.Дўстқораев каби олимларнинг дарслик ҳамда қўлланмаларида<sup>3</sup>, Т.Мирзаев, Б.Имомов, У.Шокиров, Ў.Ўтаев, А.Расулов, М.Олимов, Р.Воҳидов ва бошқаларнинг адабий портретларида<sup>4</sup> янги ўзбек танқидчилиги тараққиётининг босқичлари, таҳлил тамойиллари, намоёндалари ижоди ва адабий баҳс-мунозаралар тарихи ҳақида маълумотлар берилган.

Марҳум олимлар Олим Шарафиддинов, С.Хусайн, Р.Мажидий ва Ғ.Каримов танланган асарларининг нашр этилиши<sup>5</sup> адабиётшунос ва мунаққидлар ижодига бўлган қизиқишнинг натижасидир.

<sup>1</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Монография.-Т.: Ўзбекистон,1997; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. -Т.:Маънавият,1999; Қосимов Б. Салом, келажак. -Т.:Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984; Болтабоев Х. Қатоғон қилинган илм. -Т.: Хазина, 1996.

<sup>2</sup> Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. -Т.: Ёш гвардия, 1973; Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. -Т.: 1985; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. -Т.: Ёш гвардия, 1988; Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отагон Хошим.-Т.: Шарқ НМК, 1993; Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. -Т.: Ёзувчи, 1994; Абдусаматов Ҳ. Эстетика ва ҳаёт. -Т.: 1977; Қосимов Б. Излай-излай топганим. -Т.: 1983; Қулжонов А. Илм ва ижод оламида. -Т.: 1980.

<sup>3</sup> Валихўжаев Б., Холматов Ш. Ўзбек адабий танқиди тарихи. -Т.: Дўстқораев Б. Ўзбек танқидчили тарихи. -Т.: 1980; Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек адабий танқиди. -Т.: Ўқитувчи, 1990.

<sup>4</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зарипов. Адабий портрет. -Т.: 1976; Шокиров У. Танқидчи ва адабий жараён (Иззат Султон). -Т.: 1976. Имомов Б. Ҳомил Ёкубов. Адабий портрет.-Т.: 1978; Ўтаев Ў. Танқид ва услуб (Адабиётимиз жонкуяри - М.Қўшжонов). -Т.: 1979; Расулов А. Озод Шарафиддинов. Адабий портрет.-Т.: 1980; Олимов М. Лазиз Қаюмов. Адабий портрет. -Т.: 1980; Шарафиддинов О. ва Расулов А. Олим ва таржимон (Ш.Шомуҳаммедов).-Т.: 1985; Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси. (Н. Комилов суратига чизгилар). -Самарқанд: 1998; Воҳидов Р. Навоий қалбида сирлашган инсон ( А.Ҳайитметов). -Т.: 1999.

<sup>5</sup> Шарафиддинов О. Танланган асарлар. -Т.: Фан, 1978; Хусайн Сотти. Танланган асарлар. -Т.: 1974; Мажидий Р. Истеъдод ва бурч. -Т.: 1974; Каримов Ғ. Баркамоллик. -Т.: Маънавият, 1999.

Бирок шуларга қарамай, ўзбек адабий танқиди тарихининг кейинги 25 йиллик фаолияти махсус илмий тадқиқот шаклида таҳлил марказига қўйилмаган эди. Диссертациянинг мақсад ва вазифаларини белгилашда ана шу адабий эҳтиёждан келиб чиқиб иш кўрилди.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ишнинг асосий мақсади ўтган асрнинг сўнгги чораги давомида ўзбек танқидчилигида яратилган илмий-танқидий асарларни яхлит адабий жараён сифатида таҳлил ва талқин муаммоси нуктаи назаридан ўрганишдан иборат. Бу йўналишда адабий танқид тараққиётининг асосий такомил босқичларини белгилаш, бадиий асарга муносабатда унга тирик мавжудот сифатида қараш ва бадиий таҳлил тамойилларининг илмий тизимига ёндашув каби муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Диссертацияда тафсир, таъвил, шарҳ каби мумтоз адабиётшуносликдаги истилоҳларга муносабат билдирилиб, талқин назарияси (герменевтика)нинг тарихий илдиэлари ва замонавий истиқболлари ҳақида фикр юритиш мақсад қилиб белгиланди.

Диссертацияда шўро даври танқидчилигида ва Истиқлол давридаги ўзгаришларни қиёсан ўрганиш орқали талқин ва таҳлил сингари адабий-илмий муаммоларга эътибор қаратилди.

Диссертациянинг ўз олдига қўйган асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- адабиётшуносликда талқин масаласининг ўрни, назарий асосларини белгилаш;

- мумтоз ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси, илми гарибанинг ўрнини тушуниш;

- ўзлаштириш эстетикаси ва адабий талқин масаласига муносабат;

- бадиий асарга биографик, онтологик ёндашув ва уларнинг талқин жараёнидаги ўрнини аниқлаш;

- бадиий асарнинг тарихий-функционал моҳияти ёхуд танқидчиликда қайта баҳолаш муаммосини ўрганиш;

- бадиий асарга муносабатда матн - матнорти - матности (текст-контекст-подтекст) оқими муаммосини тадқиқ этиш;

- матннинг ботиний таҳлили (микроанализ); таркибий (структурал) ва тизимли (систем) таҳлили, семиотик ва услубий таҳлилнинг адабий танқиддаги ўрнини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Диссертацияда илк бор XX асрнинг сўнгги чорагидаги адабий-илмий жараён танқид на-

зариясининг устувор хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган. Талқин ва таҳлил ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши ва тарихий таракқиётидан бохабар равишда ушбу илмий муаммога мурожаат қилиш уларни холис, илмий аспектда тадқиқ қилиш учун имконият яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мумтоз адабиётшуносликдаги талқин шакллари: дарк, зурафо, урафонинг талқин тадрижидаги ўрни белгиланиб, хусусан, илми ғариба имкониятларидан замонавий адабиётшуносликда фойдаланиш усуллари, тўғрироғи, уларни амалда тадқиқ этаётган адабий-танқидий ишлар таҳлил марказига қўйилган.

Талқин назарияси антик даврдан тортиб юнон, италян, испан, француз, инглиз ва немис олимлари асарларида тилга олинган ҳодиса бўлиб, унинг замонавий адабиётшуносликдаги вазифаси бугунги герменевтика имкониятлари билан қиёсланган ҳолда адабий жараёндан ўрин олган. Замонавий талқиншуносликдаги ўзлаштириш (рецептив) эстетикаси, имплицитив (яширин) китобхон каби муносабатлар тизимида ўзбек адабий танқидининг ўрни кузатишган.

Бадий таҳлил жараёнида онтологик ва систем таҳлил усуллари нисбатан етакчилик қилинаётганини аниқлаш баробарида структурал (таркибий) ва семиотик (белги назариясига кўра) таҳлил йўналишида самара бераётган илмий изланишлар, услубий таҳлил орқали ёзувчи ўзига хослигини ва мунаққид услуби ҳамда маҳорати сирларини ўрганишга қаратилган.

Диссертацияда фақатгина адабиётшунос олимлар, мунаққидлар томонидан яратилган асарлар эмас, балки Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор сингари улуғ адиблар ижодий тажрибасини давом эттирган А.Орипов, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев ва Т.Рауфов каби адиблар томонидан яратилган адабий-танқидий йўналишдаги мақола, эссе, суҳбат в.б. ҳам таҳлилга тортилган.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларидан келиб чиқадиган назарий умумлашма ва хулосалар Истиқлол ғояси ва миллий мафқурани ўзида мужассамлаштирган ўзбек танқидчилигини шакллантиришга ва уни янги назарий қарашлар билан бойитишга, янгича талқин ва таҳлил амалиёти билан тўлдиришга хизмат қилади. Адабий танқид назариясининг муҳим қисмини ташкил этувчи илмий-эстетик ёндашув, талқин тарихи ва самарали таҳлил усуллари тавсия этилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти куйидаги ҳолларда кўринади:

- Олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистр босқичи учун адабиётшунослик ва адабий танқид тарихи ҳамда адабиёт назарияси бўйича дарслик ва маъруза матнлари тайёрлашда;

- магистр ва аспирантлар учун ихтисослик курслари бўйича маърузалар ўқишда;

- нафис санъат мактаблари, шу йўналишдаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларига ўзлаштириш эстетикасини ўқитиш, ўргатишда;

- академик лицейларга “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида киритилган “Адабиёт қоидалари” фанидан дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини** белгилашда Аристотель, Форобий, Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Бобур, Атоуллоҳ Хусайний; Хегел, И.Кант, З.Фрейд, К.Юнг, Э.Фромм, М.Хайдеггер; М.Бахтин, Ю.Борев, Ю.Лотман сингари мумтоз ва хорижий адабиётшуносларнинг фундаментал тадқиқотлари диссертация муаллифига назарий қўлланма вазифасини ўтади.

Шунингдек, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқид тамойилларини ўрганишда, таҳлил ва талқин назарияси ҳамда амалиётига доир жараёнларни изчил кузатишда Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Саъдий, Олим Шарафиддинов, Ғ.Каримов, В.Зоҳидов каби олимларнинг ишлари бирламчи манба сифатида хизмат қилди.

Ўрганилаётган давр адабиётшунослиги ва танқидчилик хусусиятларини белгилашда И.Султон, Х.Ёқубов, А.Қаюмов, М.Қўшжонов, Б.Назаров, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, О.Шарафиддинов, А.Абдуғафуров, Л.Қаюмов, С.Мамажонов, У.Норматов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Т.Мирзаев, Н.Комилов, Б.Қосимов, Б.Саримсоқов, Н.Раҳимжонов, Қ.Йўлдошев ва Ҳ.Болтабоев сингари олимларнинг ишларидан диссертант назарий манба сифатида фойдаланган.

**Тадқиқот манбаи.** Илмий тадқиқот ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда XX асрнинг сўнгги чорагида яратилган илмий тадқиқот ишлари, монография, рисола ва проблематик мақолалар; адабий жараён муаммоларини ўзида акс эттирган илмий тўпламлар ҳамда портрет, тақриз,

адабий суҳбат, шарҳ в.б. танқидчилик жанрларида яратилган асарлар тадқиқот объекти сифатида белгиланди.

Шунингдек, ўрганилаётган давр давомида яратилган “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Адабий турлар ва жанрлар” каби жамоа тадқиқотлари, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, У.Норматов, И.Фафуров каби адабиётшунос ва мунаққидларнинг адабий-танқидий қарашлари акс этган монография ва мақолалари ҳам диссертация манбаини ташкил қилади.

XX асрнинг сўнги чорагидаги адабий жараён шўро адабиётшунослиги билан боғлиқ кечгани учун Б.Сучков, М.Храпченко, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализев, А.Бучис каби рус мунаққидларининг ишлари ҳам ўзбек адабиётшунослиги муаммолари билан қиёсий аспектда таҳлилга тортилди.

Диссертацияни ёзишда муаллиф томонидан Ўзбекистон Миллий университетидан “Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи” курсидан 25 йил давомида ўқилган маърузалар, тузилган дастур ва ёзилган дарсликлар тажрибасига таянилди.

**Ишнинг жорийланиши.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳозирги ўзбек адабиёти, Жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраларининг, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг XX аср ўзбек адабиёти, Ҳозирги адабий жараён ва Адабиёт назарияси бўлимларининг қўшма мажлисла-рида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди.

**Тадқиқотнинг қурилиши.** Диссертация кириш, уч боб (9 фасл), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мукаддимада диссертация мавзунининг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, илмий тадқиқот усули ва жорийланиши каби муаммолар белгиланган.

Биринчи боб “Ўзлаштириш эстетикаси ва талқин муаммоси” деб номланган. Бобда адабиётшунослик илми тараққиётида муҳим ҳодиса саналган талқин назарияси ва тарихи муаммоси XX асрнинг сўнги чорагида яратилган илмий тадқиқот, монография, рисола ва мақолаларнинг таҳлили мисолида ёритилган. Бунда диссертант бадиий матнни ўқиш, уқиш, ўзлаштириш ва



талқин каби илмий-ижодий жараённинг асосий босқичларини белгилайди. 80-90-йиллар адабий танқидчилиги орқали ўзбек адабиётшунослигидаги мавжуд талқинлар тадрижини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Бобнинг “Адабий матни уқиш, ўзлаштириш муаммоси” деб номланган биринчи фаслида муаллиф матн назариясига доир ўз қарашларини илгари суриш баробарида “адабий” ва “бадий матн” тушунчалари ифода қилган истилоҳий фарқларни ва бу сўзлар мазмуни замиридаги нозик маъновий айирмани англатади. Диссертант адабий жараёнда иштирок этаётган, бадий таҳлилга қўл урган мунаққидга, аввало, талқинчи сифатида ёндашади. Бу ёндашув жараёнида танқид, талқин борасида айтилган назарий қарашларни кузатади.

Инглиз олими Уилсон Найт “Олов халқаси” (1930) асаридан: “Иждокор ўз асари орқали нима демоқчи бўлганини танқидчи ёритиб беради. Талқинчи эса асарнинг илдиз-илдизидан ёзувчи мақсадларини рўёбга чиқаради. Асар орқали ёзувчи нима демоқчилигини очишдан кўра, асар руҳидан муаллифнинг қарашлари, ўй-интилишларини юзага чиқариш мураккабдир”<sup>1</sup> деб ёзган эди. Рус мунаққиди Лев Аннинский эса, ушбу талқин жараёнини куйидагича ифодалаган: “Сайд изини “ўчириб”, “йўқотиб” кетишга ҳарчанд уринмасин, сайёд изни “ўрганиб”, “ўқиб” бораверади. Мен ҳам матни руҳий ҳаракатнинг изи сифатида қабул қиламан. Матндаги маънавий асосни, ёзувчининг бетақрор қиёфаси уч бериб турган нуқтани танлайман. Мақсадим - нур манбаини кўриш нуқтасини беҳато белгилаш. Бу - менинг вазифам, ҳамिशалик таҳликама, нон-насибам. Топсам, голибман. Топмасам - мағлуб: нишонга уролмадим”.<sup>2</sup> Ушбу кўчирмалардан маълум бўладики, танқид ва талқин юксак мақомдаги китобхонликдир. Бадий матни уқиш ва унинг замирида ётган адабий маънони англаш учун шундай юксак мақомдаги “профессионал китобхонлик” зарурлиги ҳақида ўз вақтида француз маърифатчилари ҳам ёзишган эди. Бирок шарқ адабиётшунослигида илми дарк (идрок илми), урафо (мавжуд қарашлар асосидаги талқин) ва зурафо (асардаги зарифлик-янгиликни ҳис этиш) каби талқин жараёнининг илмий босқичлари белгиланган.

<sup>1</sup> Урнов Д. Литературное произведение в оценке англо-американской “новой критики”. -М.: Наука, 1982. -С. 120.

<sup>2</sup> Аннинский Л. Парадокс о критике // Литературная газета. - 1984. - 4 янв.



Маълумки, бадий матнга сўнгги нуқта қўйилиши биланок у ўз яратувчисидан “йироқлашади”, энди адиб ҳам бошқалар қатори ўзи яратган адабий матннинг ўқувчисига айланади: матн ёзувчини ҳаяжонга солади, йиғлатади, ҳатто ғазаблантиради (Кумушнинг ўлимидан юм-юм йиғлаган Қодирийни, қари генералга турмушга чиқиб кетган Татьяна қилмишидан ғазабланган Пушкинни тушунишга ҳаракат қилайлик), бироқ у ўзи яратган матнни ўзгартира олмайди. Адабий матнни ўзгартиришсиз қабул қилиш, уни ёзувчи ниятини унутмаган ҳолда ўқиш ва санъаткор руҳига яқинлашиш фақат адабий танқидчи учун зарур ҳолатгина эмас, балки маълум маънода ижодий жараёнدير. Талқинчи ижодкор асарининг моҳиятини англаб, асар яратилишига сабаб бўлган асосни билиб олгандагина таҳлилда қийналмайди. Аниқроғи, талқинчи билан талқин қилинаётган асар муаллифи орасида мутаносиблик пайдо бўлади. Адабий танқидий асардаги мантиқий изчиллик, танқидчи қаламининг эркин ҳаракати, танқидчиликдаги жозоба моҳиятини теран англаш, ёзувчини қалам олишга ундаган сабабни аниқ-равшан кўра олишликка боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ёзувчи ҳам, танқидчи ҳам санъат моҳиятини теран англамоғи жоиз. Мана шу ижодий жараённи Аристотел “Поэтика” асарида *катарсис* ҳолати ва *каоолокогот* таълимоти орқали англади. Катарсис – руҳий покланув таълимоти, каоолокогот – маънавий таъсирга берилган шахсдаги руҳий эстетик ўзгаришларни ўқиш илмидир. Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашларини таҳлил қилар экан, мунаққид О. Шарафиддинов XX аср бошларида маънавий таназзули яқинлашган халқ учун адабиёт руҳий покланиш манбаи сифатида қабул қилинган жараённи шундай тушунтиради: “Шунинг учун ёш мунаққид комил ишонч билан ҳатто миллатнинг яшашини адабиётнинг яшашига боғлиқ қилиб кўяди. Эҳтимол, бу ўринда бироз эҳтиросга йўл қўйгандир, лекин ҳеч шубҳа йўқки, XX аср бошларидаги Туркистон шароитида “адабиёт яшаса - миллат яшар” деган формула тўғри ва самарали формула эди”.<sup>1</sup> Демак, миллатни яшнатадиган адабиёт халқнинг руҳига уйғун, унинг дардларига маънавий озуқа бўлиши керак. Бадий матнга шундай умуминсоний даражада ёндашган мунаққидгина “адабиётдан бир лаззат олуб охир умрига қадар адабиёт ўқиб эшитмакни вазифаи миллиядан

<sup>1</sup> Шарафиддинов. О. Адабиёт яшаса - миллат яшар. / Чўлпон. Адабиёт надур. -Т.: Чўлпон нашриёти, 1993. -Б. 8.

ҳисоб қилур”<sup>1</sup>. Бадий адабиётнинг руҳий покловчилик функциясини И. Кант “миллатнинг маданий контекстуал ҳолати” деб белгиласа<sup>2</sup>, Ҳегел санъаткор яратган маънавий дунё билан китобхон руҳий оламидаги уйғунлик” орқали изоҳлайди<sup>3</sup>.

Илк назарий бошланмаси Аристотель асарлари орқали адабиётшунослик илмига кириб келган талқин назарияси (герменевтика) шарқ ва ғарб адабиётшунослигида мустақил илмий ўзанларда тараққий этди. Ғарб адабиётшунослигида талқин назарияси XIX аср бошларида қайта жонланди ва Ф. Шлейермахер (1768-1834), В.Дильтей (1833-1911), М.Хайдеггер (1889-1976), К.Юнг (1875-1961) каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Шўролар даври адабиётшунослигида талқин, асосан, зоҳиран социал йўналишда тараққий этганига қарамасдан М.Бахтин, Д.Лихачев, Ю.Борев, П.Гайденко, Д. Урнов, Е.Гуренко, В.Ю.Хализев сингари олимларнинг тадқиқотларида ичдан янгиланди.

Ўзбек адабиётшунослиги илмида сўнгги 10-15 йил ичида герменевтика масалалари билан қизиқиш кучайди. Ёш олимлар А.Эркинов, Б.Каримов мақолаларида уни илмий муомалага киритишга ҳаракат қилинган бўлса, Д.Қуронов “Чўлпон поэтикаси” номли тадқиқотида герменевтика имкониятларига таяниб иш кўрди.<sup>4</sup>

Биринчи бобнинг “**Тирик сўз, бадий матн талқини муаммоси**” деб номланган иккинчи фаслида талқин назариясининг амалда татбиқ этилиши, бадий матнга онтологик муносабат ва бадий матн талқинининг қўлланилиш доираси, йўналиши ва усуллари ҳақида сўз боради.

Мумтоз шарқ адабиётида луғат, изоҳ, шарҳ, таъвил, тафсир сингари илмлар маълум маънода талқин назариясининг кенгайтишига ва тараққиётига хизмат қилган. Шунингдек, ал-ибора, шорех, зурафо, урафо, дабир, илми ғариба каби адабий истилоҳлар борки, уларнинг қўлланилиш доираси бадий асарлар талқини билан узвий боғлиқ. Шарқ нафосатшунослигида илми ғарибанинг алоҳида ўрни бор. Мумтоз адабиётшунослиқда кам сўз билан катта, кенг маъноларни акс эттирган асарлар мағзини чакувчи *илми ғариба* вужудга келган. Бу илм туфайли сатрлар қатидаги ботиний маънолар юзага чиққан, бадий матннинг

<sup>1</sup> Чўлпон. Адабиёт надур. -Т.: Чўлпон нашриёти, 1993. -Б. 36.

<sup>2</sup> Қаранг: Художественная рецепция и герменевтика. -М.: Наука, 1985. -С. 10.

<sup>3</sup> Гегель. Лекции об эстетике. -Т.1. -М.: Наука, 1971. -С. 117.

<sup>4</sup> Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари мисолида). Филол. фанлари доктори... дисс. автореферати. -Т.: 1998.

тахлил доираси кенгайган. Алишер Навоий “Хамсату-л-мутахай-йирин” асарида Абдурахмон Жомийнинг адаб илмидаги фази-латларини улуғлаш билан бирга илми ғарибада тенгсизлигини таъкидлаган: “...ва ғарибдурким, зоҳир улумининг такмили вақ-тида неча иш аларға муяссар бўлубтурким, бу умматда акобир ва соҳиб камоллардан ҳеч қайсиға воқе бўлғони зоҳир эрмас”<sup>1</sup>

Хасанхўжа Нисорий “Музақкири аҳбоб” тазкирасида илми ғарибанинг мохирларидан Мавлоно Хусайн Туркистоний ҳақида шундай маълумот беради: “Илмлар икир-чикирини шу даражада ўзлаштирганки, бу соҳаларнинг кўпида маҳорат билан иш олиб борарди... Ғариба фани фасоҳатомуз нутқи ва балоғатангез ка-ломи билан кўп гап танобини тортиб, фаровон маъноли фикр-лар, иншосини оз жумлаларда ойдин, равон баён қилардики, дунё кезувчи ақл исботлаш кемаси билан тасаввур денгизида қанчалик эргашмасин, уни шарҳловчи сўз тополмасди, аниқ-роғи, исботланмас масалалар туркумидан ҳисобланарди”.<sup>2</sup>

Демак, илми ғариба ёрдамида матндаги ботиний маънолар узлуксиз равишда кашф этиб борилган. Илми ғарибада санъат-кор ва тадқиқотчининг ўзаро муносабати муайян илмий йўна-лишда изчил ўрганилиши лозим. Санъаткор маънони изчил ифо-далашга, имкон борича кам сўз билан кўп маъно беришга ин-тилса, тадқиқотчи мана шу сўзлар замиридаги маънони топишга, қисқа матннинг имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилади.

XX аср адабиётида ҳам илми ғариба йўсинида талқин этишга лойиқ асарлар яратилди ва ўзбек танқидчилиги ўтган асрнинг сўнгги чорагида илми ғарибага яқинроқ йўналишдаги талқинларга жой берди. Абдулла Ориповнинг “Лабда табассуму кўзда ёш билан Сенга интиламан набирам”,<sup>3</sup> Эркин Воҳидов-нинг “Сен ҳилол, юлдуз, салиб, Таврот, Забурдан юксалиб Бой-мисан ёки ғариб, Комрон ўзинг, яксон ўзинг”,<sup>4</sup> Турсун Рауфов-нинг “Парчин-парчин бўлди ёдим симлари, Симлар - кўзларимга мил тортган чизгу”<sup>5</sup> байтлари, Тоғай Муроднинг романидаги куйидаги уч сатрли боб:

Куйди-куйди – аёлимнинг тани куйди.

Куйди-куйди – мени бағрим куйди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. -Т.: 1967. -Б.11.

<sup>2</sup> Хасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Тазкира.-Т.: 1993. -Б.205.

<sup>3</sup> Орипов А. Сайланма.-Т.: Шарқ НМК, 1996, -Б.237.

<sup>4</sup> Воҳидов.Э. 2 жилдлик. Сайланма. 1-жилд. -Т.: 1986.-Б. 345.

<sup>5</sup> Рауфов Т. Сабр дарахти. -Т.: 1986. -Б. 174.

Куйди-куйди – болаларимнинг шўри куйди<sup>1</sup> каби асарлар атрофидаги адабий мувоҳасаларни эслаш мумкин.

Биринчи бобнинг “**Адабий-сиёсий таълимотлардан талқиний плюрализмга**” деб номланган учинчи фаслида ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида муқим ўринлашган ижтимоийлик ва бунинг натижасида вужудга келган социал талқин адабиёт илмида бирхилликка олиб келгани ҳақида фикр юритилади.

Ижтимоийлик бадий адабиётда муайян ўрнига эга бўлган категория, бироқ адабиёт ва санъатда ижтимоийликнинг бирламчи мезон даражасида тушуниш унинг эркин тараққиётини сусайтирди, алоҳида истеъдоднинг индивидуал ўзлигини тўсиб қўйди, натижада ижтимоийлик тирик сўзни қадрсизлантирди, ёлгонни урчишиб юборди. Айниқса, социалистик ижтимоийлик ҳақиқий талқин ва таҳлил тамойилларининг ривожига тўсқинлик қилди.

Агар адабиётшуносликдаги ижтимоийликнинг тадрижга назар ташласак, Хегел қарашларидан таъсирланган В.Белинский ва кейинроқ рус марксчиларининг “ташабуси”ни илғаш қийин эмас. В. Белинскийнинг “танқиднинг муҳим вазифаси - ёзувчи ижодини тафаккур тилига ўгиришдир”<sup>2</sup> деган қондаси ўзгартирилиб, “адабий танқиднинг биринчи вазифаси - бадий асарни социология (ижтимоийлик) тилига ўгиришдир”<sup>3</sup> деб талқин этилди. Бу билан Г. Плеханов бадий асарнинг ижтимоий асосини биринчи ўринга кўтариб, унинг эстетик ҳодиса эканини қуйроққа туширди. Бу борада Лев Толстойнинг санъат ҳақидаги қарашлари марксчи Г.Плеханов томонидан инкор қилинди<sup>4</sup>. Мазкур таълимотнинг шўролар даврида социалистик реализм андозалари билан жорий этилиши бадий адабиёт спецификасини нотўғри тушунишга олиб келди. Адабий танқид ўзининг асл вазифасидан чекиниб, комфирқанинг адабиётдаги дастёрига айлантирилди. Шўро адабиётида 1930-90 йилларда ҳукмрон бўлган социалистик реализм методи сўзнинг эстетик қиммати, матннинг тириклиги, характерларнинг табиийлиги каби масалаларни айланиб ўтиб, партиявийлик, синфийлик, хужумкор ижтимоийлик сингари “илмий” асосларни ривожлантирди. “Содреализм бугун” деган тўпламда бундай тарзда “ижоднинг мафкурага ча-

<sup>1</sup> Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. -Т.: Шарқ НМК, 1994. -Б. 176.

<sup>2</sup> Қаранг: Лифшиц М. Г.В. Плеханов. -М.: Искусство, 1983. -С.111.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Плеханов Г.В. Письма без адреса. -М.: 1976. -С. 117.

тиштирилишини социалистик реализм методи” (А.Синявский) деб кўрсатилиб, аввалги “ижодий методлар инсонни севишга ундаган бўлса, соцреализм ташкилотни севдиришга беҳуда урингани” (И.Золотусский) ва, ниҳоят, у “ижодий методдаги даҳшатли воқелик” (Е.Добренко)га қараб ўзгаргани қайд этилган.<sup>1</sup>

Ўзбек адабий танқидчилигида соцреализмга шубҳали қараш 80-йилларнинг охирироғидан бошланди. О.Шарафиддинов шўро адабиётининг методи ҳақида шундай ёзади: “Соцреализм ҳақида кўп китоблар ўқидим. Лекин, барибир, пировардида унинг моҳиятини ҳеч тушуна олмадим... Янги метод жаҳон эстетикаси тараққиётида янги саҳифа очиши керак. Хўш, соцреализм бадиият борасида қандай қаромат кўрсатди? Бу саволга жавоб йўқ эди”.<sup>2</sup>

Соцреализм методида гўзалликнинг ижтимоий концепцияси – меҳнатнинг гўзаллик манбаи эканлиги асоснинг асоси бўлди. Шўро адабиётида ҳар қандай меҳнат ва меҳнаткаш инсон улуғланди, тер тўкиб меҳнат қиладиган одам мадҳ этилди. Ҳаётда эса оғир меҳнат одамларни ногирон қила бошлади, фожиалар қомига итарди, бедаво дардларга йўлиқтирди. Адабиётдаги ташвиқотнинг ғайриинсоний моҳияти ҳаётда кўрина бошлади. Соцреализм адабиётининг шаклан миллий, мазмунан социалистик деган қоидаси ҳам ўта мўрт, сунъий эди. Бу қоида адабиётни сиёсат сиртмоғига олади, мафкура қуюшқонига танғийди. “Аслида, санъатда шакл эмас, мазмун миллий ва умуминсоний бўлиши зарур. Бу тескари қоида кўп замонлар бутун санъатни тор доирада чеклаб ташлади. Санъаткорлар бу доира ичида ўзларини тўла ва тугал намоён қила олмадилар. Қоида эркин ижодий такомил йўлини тўсди”,<sup>3</sup> – деб ёзади Иброҳим Ғафуров.

Демак, шўро адабиётшунослиги ва танқидчилиги бадиий асар руҳига, унинг асл табиатига кириб боришга эришмади. Шўро адабиётшунослигида поэтика тушунчаси сюжет, композиция, характер сингари катта-катта, мустақил йўналишларни қамраб олганига қарамай бадиий матн талқини, унга онтологик ёндашув ҳодисаларини мустақил фан сифатида қабул қила олмади. Ваҳоланки, поэтика бадиий асарнинг нозик ички тўки-

<sup>1</sup> Избавление от миражей / Соцреализм сегодня. - М.: Советский писатель, 1990. - С. 148, 241, 334.

<sup>2</sup> Шарафиддинов О., Қўлдошев Р. Инсон йўл излайди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1996. - 26 апрель.

<sup>3</sup> Ғафуров И. Хўжайрадаги сувратлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1993. - 1 январь.

маси, ҳис ва идрок орқали англаб етиладиган бадиийлик қонуниятларидир.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Бадиий асарга мақсадли ёндашув ёки таҳлил муаммоси”** деб номланади. Бобда бадиий матнга тадқиқотчи-танқидчининг муносабати масаласи изчил илмий тизимда ўрганилади, чунки танқидчининг бадиий матнга дастлабки ёндашувиданоқ талқин ва таҳлил йўсини белгиланади. В.Е.Хализев бадиий матнга илмий ёндашувдаги муносабатлар тизимини ўрганар экан, шундан келиб чиққан ҳолда “баён, таҳлил ва талқин тури белгиланиши мумкинлигини” эслатади. Адабиётшунос М.Бахтин ва Ю.Лотманнинг фикрларидан келиб чиқиб “матн маданиятнинг аниқ ва тўлиқ шаклда намоён қилинган феноменидир... тилнинг ҳаракатдаги квинтэссенцияси, қачондир содир бўлган нутқнинг ўзига хос ҳайкалидир” деб ёзган<sup>1</sup>. В.Е.Хализев “Адабиёт назарияси” дарслигининг “Адабий асарни ўрганиш” бобида бадиий матнга ёндашув жараёнидаги қуйидаги нукталарни белгилайди: “баён (описание) ва таҳлил; адабий талқин ва контекстуал тадқиқ”<sup>2</sup>. Шундай экан, бадиий матнга дастлабки ёндашув талқин ва таҳлил жараёнида бирламчи моҳият касб этади. Бадиий асарга ёндашувда тарихий-биографик методнинг ўрни алоҳидадир.

Бобнинг биринчи фасли **“Бадиий матнга тарихий-биографик ёндашув муаммоси”** деб номланади. Бадиий матнга биографик-ижодий-генетик ёндашув жараёнида бадиий асар ўзининг муаллифи, яратилган замони ва муҳити ҳақида “сўзлайди”. Худди ҳар бир шахс, ҳар бир ижодкорнинг ўз биографияси бўлгани каби бадиий асарнинг ҳам “ижодий биографияси” мавжуддир.

XX аср ўзбек адабиётига назар ташлаганда, айрим асарлар худди ўз ёзувчилари каби “мураккаб тақдир”ни бошдан кечирганини кузатиш мумкин. “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Бой ила хизматчи” каби асарларнинг тарихий тақдирига назар ташлаганда биографик метод нафақат ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганишда эмас, балки бадиий асар талқинида ҳам қўл келганини англаш мумкин. Худди шу нуқтаи назардан фаслда Комил Яшин, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, Н.Каримов, К.Йўлдошев, С.Мелиев кабиларнинг Ҳамза ижоди, хусусан, “Бой ила хизматчи” асарининг “таржимаи ҳоли”га тааллуқли баҳс-мунозалар таҳлилга тортилди.

<sup>1</sup> Хализев В.Е. Теория литературы. -М.: Высшая школа, 1999. -С. 244.

<sup>2</sup> Ўша жойда.





Тарихий-биографик ёндашув жараёнида “биография”, “таржимаи ҳол”, “ҳасби ҳол”, “ҳолот-маоқиб” сингари адабий истилоҳлар, улар ташиган маъно ҳамда қўлланилиш доираси ва тарихи ҳақида баҳс юритилади. Алишер Навоий асарларида биргина “ҳол” (арабий калом) сўзи, “ҳасби ҳол”, “ҳолот адоси”, “ҳолот кайфияти”, “завқи ҳолот”, “шавқи ҳолот” сингари бирикмалар бот-бот, ўрни-ўрнида учрайди. Жаҳон адабиётида машҳур сиймолар характерини ёритиш орқали тарихий тараққиёт қонуниятлари, жамиятнинг маънавий-руҳий ҳолати, ўсиш-ўзгаришлари жараёни ишонарли кўрсатиб берилган. Бу ўринда икки турли ёндашувни фарқлаш қийин эмас: а) бадий асарни таҳлил қилишда биографик маълумотларни ёрдамчи моҳият касб этишини аниқлаш; б) биографик асарлар таҳлилидагина ёзувчи таржимаи ҳолига мурожаат қилиш. Табиийки, булардан биринчиси самарали таҳлил йўсини бўлиб, у жаҳон адабиётшунослигида тарихий-биографик метод сифатида шаклланган. Нафосатшунос олим Ю.Борев “Талқин ва баҳолаш санъати” китобида бундай методнинг таҳлил жараёнидаги ўрнини кўрсатиб “санъаткор ва асар тақдири-маънони очувчи калит” деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашича, бадий асарда ёзувчининг шахсияти муҳрланган бўладики, шу унсурлар асарнинг ўзига хослигини таъминлайди. Биографик ёндашув бадий асарни ёзувчи шахсияти, руҳий-маънавий ҳолати нуқтаи назаридан ўрганadi. “Санъаткорнинг ҳеч кимниқига ўхшамаган тақдири унинг ижоди талқинидаги асосий калитдир”.<sup>1</sup> Биографик метод ёхуд тарихий ёндашувнинг асосчиси сифатида француз адабиётшуноси, адиби Шарль Сент-Бёв (1804-1869) танилган. Ўрта аср француз адабиётини, ХУI аср поэзиясини, Корнель, Мольер, Лафонтен, Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо, Шатобриан, Гюго, Жорж Санд, Флобер асарларини чуқур ўрганиш орқали у биографик ёндашув методини ишлаб чиқди. “Мени ҳамиша мактубларни, суҳбатларни, фикрларни, характернинг турли ҳолатларини, руҳиятини, бир сўз билан айтганда, машҳур ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш ром этиб келди”,<sup>2</sup> – деб ёзади Сент-Бёв.

Ўзбек адабиётшунослигида тарихий-биографик метод билан ўрганилиши назарда тутилган С.Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари”, С.Мирзаевнинг “Ойдин маҳорати” сингари китоблари нашр этилди. С.Мирвалиев китобига кирган ўзбек адибларининг тар-

<sup>1</sup> Борев Ю. Искусство интерпретации и оценка. -М.: Советский писатель, 1981. -С. 56.

<sup>2</sup> Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. -М.: Наука, 1970. - С. 313.



жимаи ҳолига назар ташлаганда 175 та ёзувчидан аксарияти деҳқон, боғбон, ишчи, хизматчи, ҳунарманд-тўқувчи, бўзчи, ко-сиб, махсидўз, кулол, темирчи, мисгар оиласида туғилган экан. Ўн-ўн бештагина ёзувчи зиёли оиласида туғилганини ёзади. Та-ажжубки, китобда ёши элликка етиб, етмаган ёхуд 20-30-йил-лардаги сохта ижтимоий муносабатлардан кейин туғилган адибларнинг аксарияти “оддий меҳнатқаш”, “оддий хизматчи”, “оддий ишчи”, “оддий деҳқон” оиласининг фарзанди эканлиги ёзилган. Таржимаи ҳолда моддий-маънавий, ижтимоий-сиёсий томонга эътиборни қаратиш керак. Лекин оиладаги руҳий-маънавий иқлим ҳароратини четлаб ўтиш мумкин эмас. С.Мирзаев китобда Ойдиннинг поэтик маҳорати унинг асарла-рининг таҳлили ва адиба таржимаи ҳолидаги ўрни орқали кўрсатиб берилган.<sup>1</sup>

60-йиллардан бошлаб шўро адабиётига ГУЛАГ мавзуси, сиёсий маҳбуслар ҳаёти кириб келган бўлса, ўзбек адабиётида 80-йиллардан кейин Шукруллонинг “Қафасиз кўмилганлар”, “Тирик руҳлар”, К.Икромовнинг “Отамнинг тергов иши” роман-лари, Набижон Боқийнинг “Қатлнома” қиссаси, Саид Аҳмад-нинг биографик йўналишдаги ҳикоя ва бадиалари яратилди. Бу асарлар муносабати билан яратилган мақола ва тақризларни ўр-ганиш баробарида тарихий-биографик методнинг адабий портрет яратишдаги ўрни ва поэтик имкониятлари ҳам таҳлил этилган.

Хуллас, бадий асар-ёзувчининг ботиний ҳолати кўзгуси. Бадий асарни англаш, талқин қилиш, баҳолашда ёзувчи тар-жимаи ҳоли беқиёс аҳамиятга эга. Ҳаққоний ёзилган таржимаи ҳол бадий матн руҳини, моҳиятини очишда бебаҳо манбадир. Тийрак талқинчи асар орқали ёзувчи ҳолати ҳақида кўп нарса-ларни сўзлаб беради.

Бобнинг иккинчи фасли “Мангу асар” ёки онтологик ён-дашув” деб номланиб, бунда бадий-маънавий бойликларнинг барҳаётлиги ва бундай асарларга ёндашувда онтологик муноса-батнинг устуворлиги ҳақида сўз юритилган. Бадий-руҳоний бойликлар кўпайиб, инсониятга маънавий-руҳий-эстетик таъсир ўтказга бошлагач, боқий асарлар ҳақидаги илм пайдо бўлди. Уни қадимда юнонча ибора билан *онтология* (яшаш илми) деб ата-дилар. Шарқ мусулмон адабиётида бундай илм шубҳасиз мавжуд бўлган. Бу илми зурафо ва урафо аҳли яратган. У ҳам бадий асар табиатини, ҳам муқаддас китобларнинг яшовчанлик

<sup>1</sup> Мирзаев С. Ойдин маҳорати. –Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

моҳиятини қамраб олган. Даҳо санъаткорлар сўзнинг тирикчилигини, бадий асарнинг мангулигини Яратганнинг мўъжизаси сифатида талқин этганлар. Мангу асарларда қадриятларнинг ички тузилиши, тартиботи ўрганилса, улар ҳақидаги танқидий асарларда зиддиятлар кураши, руҳий ҳолатлараро “инкор” этиш ҳаракати мавжудлигини сезиш мумкин. Онтология ўзига хос йўсинда бадий бойликларнинг яшовчанлик сабабиятини кўрсатиб беради. Онтология – инсоннинг ҳиссий фаолияти самараси, интуиция – юракдан сезиш, қалб кўзи билан кўришга асослангандир. Онтология эса қадрият, бадий бойликларнинг “ҳаёти”, “тириклиги”, “узоқ умр кўриш” манбаларини ёритади. Бадий бойлик қадрият “ҳаёти, тириклиги” каби зиддиятлар курашига асосланган. Юрий Боров бадий асар гармония эканлигини, унинг хусусияти – ички зиддиятчилигини таъкидлайди. Бадий асар маънавий, руҳий асосга таянади, айна вақтда ақл-хушнинг меваси. Матн ёзувчи руҳи, индивидуаллигининг ифодаси, айна вақтда ижтимоий муаммолар ечими, ижтимоий психология ва мафкура кўриниши. Матн бадий воқеликни ифодоловчи ғоя ва пластик тимсоллар бирлиги. Бадий матн «маъно» ва «аҳамият» (баҳо) бирлиги, орзу ва реал борлиқнинг бирлашуви. Ниҳоят, бадий асар турли хил, катга-кичик тимсолларнинг бутун бир тузилмаси. Образларда ҳолислик ва ноҳолислик, ақл ва ҳис-туйғу; шуур ва савқитабийлик; бетакрорлик ва умумийлик бирлашиб, қоришиб кетади. Ю.Боров бадий асар тўқимасидаги яшовчанлик омили бўлган олти қатламни санайди: «мен» ва «мен», «мен» ва «сен»; «мен» ва «биз», «мен» – «биз ҳаммамиз»; «мен» – «ҳамма ёқ»; «мен» – «ўзимиз» барпо этган борлиқ», «мен» – «умум борлиқ»<sup>1</sup>. Ҳар бир қатлам ўзининг фалсафий, руҳий, ижтимоий асосига эга. Онтология таълимотида бундай қатламда “мен” – “биз” боғлиқлигида “мен” ва “миллат” тақдири акс этади. Ўзбек адабиётида ҳозиргача “мен” – шахснинг турлича бадий талқини; “мен” – “сен” ёки бир одамнинг иккинчи бир одам билан ижтимоий, шахсий ёки руҳий алоқалари кенг акс эттирилган.

Бизнинг адабиётимизда ҳақиқий бадий асарнинг тирикчилиги, онтологик моҳияти кўп жиҳатдан фақат муаллифгагина эмас, ўқувчи, талқинчи ва танқидчига ҳам боғлиқ. Ғарб олимлари тадқиқотларида матн ва ўқувчи боғлиқлигига алоҳида

<sup>1</sup> Художественная рецепция и герменевтика. -М.: Наука, 1985. -С. 212.

эътибор қаратилган. Ёзувчи қалбидаги ўқувчи илмий манбаларда *имплицит* (яширин) китобхон тарзида берилган.

Адабий матн икки босқичда ўзлаштирилади. Бири-эвристик ўқиш ёки матнни бошдан охиригача қунт билан ўзлаштириш. Иккинчиси, ретроактив мутолаа бўлиб, унда ўқилган асар хотирада тикланади, маъзи чақилади. Адабий матн содда ва мураккаблиги жиҳатидан ҳам икки хилдир. “Ёпиқ матн”ли асарларни ўқиш ва ўзлаштириш китобхон учун нисбатан қулай. “Очиқ матн” асарларини ўқиш эса китобхондан муайян тайёргарликни талаб қилади.

Бизнинг адабиётимизда 80-йиллардан бошлаб яратилган асарларда Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул насри, Турсун Рауфов, Йўлдош Эшбек, Чўлпон Эргаш, А.Қутбиддин, Фахриёр назмида “очиқ матнли” мураккаб йўналиш пайдо бўлди. Хозирги ўзбек танқидчилигида бундай асарлар талқини Н.Каримов, Н.Раҳимжонов, Қ.Йўлдошев, А.Отабоев, Я. Қосимов, Р.Раҳмат, У. Ҳамдамов мақолаларида кўзга ташланади.

Шундай қилиб, онтология таълимотида реал, ҳаётдаги ўқувчи билан матн таркибига сингдирилган ботиний, адиб руҳидаги ўқувчи учрашади. Матн руҳидаги ўқувчи реал ўқувчига ўз замони, замондошлари ва, ниҳоят, адиб руҳияти ҳақида хабар беради. Реал ўқувчи узоқ замонлардан етиб келган асарни ўз замони, макони ва замондошлари руҳий ҳолатлари билан бойитади. Натижада, узоқ замонларда яратилган асар янги замон, янги авлодга хизмат қила бошлайди. Онтологик ёндашув ёзувчининг истеъдоди, билими, маданияти, китобхон руҳиятига раҳнамолик қила билиш даражасини кўрсатади.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли **“Тарихий-функционал ёндашув ва бадний асарни қайта баҳолаш”** деб номланган. Мунаққид - жонли адабий-тарихий жараённинг фаол иштирокчиси, аниқроғи, уфқи кенг йўналишларга йўл очувчи, адабий ҳаракатдаги вазиятни синчиклаб кузатиб борувчи. Айни вақтда мунаққид адабиёт тарихидаги машҳур санъаткор, ўлмас асарнинг доимий мухлиси бўлиши мумкин. XX асрнинг 70-йилларида Алишер Навоий ижоди ҳақида талайгина асарлар яратилди. Навоийшуносликда улуғ шоир яшаган ижтимоий муҳит, унинг лирикаси, дostonлари, илмий-назарий ва биографик асарлари жиддий таҳлил этилди. И.Султонов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров сингари олимлар Навоий асар-

ларини чуқур ўзлаштирган, улар ҳақида аниқ концепцияга эга бўлган ҳолда баъзи асарларни талқин қилишга киришдилар. Бу жиҳатдан А.Қаюмовнинг “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумида чоп этилган “Алишер Навоий” китоби диққатга сазовор.

80-йилларнинг ўрталаридан ўзбек мумтоз адабиёти етук намоёндаларининг ижодини ҳозирги адабий жараён билан боғлаган мақола, бади ва рисолалар яратилмоқда. Алишер Навоий ғазалларининг Э.Воҳидов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов талқинидаги шарҳлари эълон қилинди. Иброҳим Ғафуровнинг “Ўттиз йил изҳори” тўпламидан<sup>1</sup> ўрин олган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” дostonлари ҳақидаги мақолалари Навоий ижодини тарихий-функционал ўрганишга ёрқин мисол бўла олади. Мунаққид “Ҳамса”ни бугунги кун тушунчаси, қарашлари нуқтаи назаридан баҳолайди. “Лайли ва Мажнун” дostonи ҳақидаги мақола ота ва ўғил ўртасидаги адабий суҳбат тарзида қурилган. “Сабъаи сайёр” ҳақидаги мақолада мунаққид Баҳром характери ни таҳлил қилар экан, фикрни ҳозирги замонга буради. Бу талқин туфайли китобхон ҳаёлида ҳозирги кун масалалари, замондошларимизнинг маънавий муаммолари кечади. И.Ғафуров Навоий асарларидаги шакл ва мундарижа ҳақида берилиб ёзади-ю, мунаққид ёзган мақолаларининг шу шакли орқали Навоий асарларининг талқинига бирдан-бир тўғри йўл топилганини англаш қийин.

Тарихда яратилган мумтоз асарларни ҳозирги кун китобхони диди ва савияси билан боғлаб талқин қилишда М. Қўшмоқовнинг “Зоти қулзум Турди” бадиаси эътиборли. Унда мунаққид “Субхонқулихон...” асарида хон ва унинг қуллари, амирларининг бидъатлари ва золимлиги, Байлоқ қушбегининг иноқ бўлиши; Турдининг уларни ҳажв қилиб туркий мухаммас ёзгани, дostonнинг нозик таҳлил қилиниши кишини ром этади. Замондошимиз онгини эгаллаб бораётган янгича тафаккур кечаги ҳаётга, бюрократик муносабатлар илдиз отиб кетган бошқарув усулига қарши бош кўтармоқда. Янгича тафаккур мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналарини замонавий йўналишда талқин қилишга ёрдам беради.

Тарихий-функционал ёндашувда шарқ ва ғарб мавзуси алоҳида талқин этилаётгани қувонарли ҳол. Б. Қосимовнинг “Излай-излай топганим”, Н.Комиловнинг “Тафаккур карвон-

<sup>1</sup> Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.

лари”, Ф.Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” асарлари ана шу йўналишдаги жиддий меҳнат самараларидир. Мангу асарларнинг талқинлари шуни кўрсатадики, инсоният тарихи эзулик ва ёвузлик, садоқат ва хиёнат, дўстлик ва душманлик, сахийлик ва бахилликaro курашдан иборат экан. Абдулла Орипов мўъжиза рўй бериб, Данте билан суҳбатлашиш имконияти туғилса, бир-биримизни ўртаётган масалаларни дарҳол топиб олардик, деб ёзади.

Диссертацияда Саъдулла Аҳмаднинг “Эдип”<sup>1</sup> китобидан жой олган мақолалар талқин қилинган, “Эдип” санъатшунос-ликка доир бўлса-да, ундан муаллифнинг Шекспир, Софокл сингари даҳолар ҳақидаги кузатишлари ўрин олган. Саъдулла Аҳмад китоби нашр этилганидан ўн икки йил кейин, 2000 йилда “Жаҳон адабиёти” журналида мунаққид Улуғбек Саидовнинг “Эдип айбдорми ёхуд инсонийлик масъулияти ҳақида” мақоласи босилди. Муаллиф “гуноҳ” ва “худбинлик” деган тушунчаларни талқин қилар экан, кўниккан қарашларимизни инкор этади. Унингча, худбинлик тараққиёт омили, ихтиро ва кашфиётлар калити. Гуноҳ-изланиш, ўзликни тафтиш этиш, ман этилган ҳудудга қадам босиш. Софокл “Эдип”нинг мангу яшовчанлиги шундаки, қаҳрамон бир қарасангиз, мислсиз фожиавий шахс, бир қарасангиз, энг гуноҳкор банда.

Шоҳ асарларнинг қайта баҳоланиши нафақат талқинларда, балки таржималарда ҳам кўринади. Таржимон, аслида, қайта баҳоловчи: ундаги интуиция замона эҳтиёжларига жавоб берадиган асарларни таржима қилишга ундайди. Афсеуски, ҳамма таржимонлар ҳам Иброҳим Ғафуров, Озод Шарафиддинов, Ҳамид Исмоилов сингари танқидчи эмас. Чўлпон ижодини қайта баҳолаш жараёнида Ҳамид Исмоилов Чўлпон шахсига, ижодига нисбатан совуқ муносабатлар тамоман асоссиз эканлигини ёзади. Чўлпон рус адабиётидаги даҳо санъаткорларнинг ўлмас асарларининг ҳақиқий муҳиби, моҳир таржимони эканлигини исботлаб беради<sup>2</sup>.

Тарихий-функционал ўрганиш фақат ўтмиш адабиёти ва жаҳон адабиётининг етук санъаткорлари, мангу асарларгагина нисбатан қўлланилмайди. Бу мезон ҳозирги ўзбек адабиётига

<sup>1</sup> С.Аҳмад. Эдип. -Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

<sup>2</sup> Исмоилов Х. Звезда подо льдом (О русской культуре в творчестве Чулпана)// Вопросы литературы, 1988. -№4. -С. 212-225.

нисбатан ҳам бемалол қўлланиши мумкин. Ўзбек адабиётида машҳур санъаткорлар, шоҳ асарлар талайгина.

XX аср ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари адиблар асарлари дастлаб қадрсизлантирилди. Сохта ижтимоийлик “назария”сининг қурбони бўлди. Аср давомида А.Қодирий романлари талқини узлуксиз давом этди: барибир, шўро даврида “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” илмий, ҳолис талқинини топмади. Фақат, мустақилликдан кейингина Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек асарларининг ҳаққоний талқини пайдо бўлишига имкон туғилди. Қайта баҳолаш - мангу асарларни замон элагидан ўтказиш. Ҳар бир замон мангу асардаги ўз руҳига, манфаатига мос томонларга эътиборни қаратади. Шундай пайт келадикки, кеча инкор этилган масалалар бугун долзарблик касб этади. Диссертацияда А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек асарларининг 80-90-йиллардаги қайта баҳоланишига эътибор қаратилган. Ойбекнинг илк лирикаси талқини, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”нинг янги талқинларига бағишланган мақолалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бадий таҳлил жараёни: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари”** деб номланган. Таҳлил адабий-танқидий фаолиятнинг асоси, талқиннинг намоён бўлиши, қадрият баҳосининг зуҳурланиши. Талқин - матн моҳиятига кириб бориш, маъно қатламларини кунт, зийраклик билан ўрганиш, сўзлар, имо-ишоралар, ҳатто оҳанг товланишларини юракдан ҳис қилиб, қалбнинг нафосат тарозусида ўлчаш. Таҳлил – сатрлар силсиласини англаш, улар қувватини белгилаш, маъно қатламларини синчковлик билан ўрганиш.

Адабий матн – жисм-структура (таркиб)дир. Мунаққид жисм (структура)ни таҳлил қилар экан, уни ҳаракатлантираётган, тириклигини таъминлаб турган асос – “жон”ни илғашга интилади. Тилшунос ҳам жисм (структура)ни таҳлил қилади, лекин унинг мақсади тузилма тартиботини аниқлаш. Адабий танқидчи бадий матнни таҳлил қилар экан, асос, илдизни белгилашга интилади: “жон” белгиланмас экан, сўзлар, жумлалар маъноси ёришмайди, улар жилваси, товланиши сезилмайди. Структурал таҳлил-адабий матн моҳияти, “жони”ни белгилаш, шу асосда асар “ўзлиги”, табиати ҳақида баҳо чиқаришдир. Кўринадики, структурал таҳлил мақсадли ёндашувдан фарқли ўлароқ бутун асар бўйлаб изланиш, кўп йўналишли ва ҳар жиҳатдан изчил таҳлилга киришишдир.



Ўзбек адабиёти, айниқса, шеърини ҳамиша мураккаб тузилма, жонли сўз-иборалар, имо-ишоралардан, сермаъно оҳанглардан катта муваффақият билан фойдаланган. 80-йиллардан бошлаб ўзбек модерн адабиёти (шеърини, насри) ривож топа бошладики, у семиотик (белгилар, сўзлар сермаънолиги) таҳлилга тоб беради. Адабий танқиддаги семиотик таҳлилни замон тафаккури, кишиларнинг интеллектуал даражаси тақозо этади.

Ҳозирги бадий адабиётнинг табиати, психологик йўсини, сўзни танлаш ва қўллаш усули ўзгариб, мураккаблашиб бормоқда. Адабий матн мураккаблашиб, ишора ва рамзлар кучайиб, маънони пардали ифодалаш йўсинлари кўпаймоқда. Модерн адабиётни ўзлаштириш алоҳида тайёргарликни талаб этади.

Модерн адабиёт янги мазмундаги танқидчиликни вужудга келтирмоқда. Томас Элиот (1888-1965), Валентин Асмос (1894-1975) сингари санъаткор адабиётшунослар модерн адабиёти ва янги танқидчилик вазифасини белгилаб берган эди. Ҳозир Фарбий европалик ва америкалик Ганг Роберт Яусс, Уилсон Найт, Рене Уэллек, Роберт Пенн Уоррен, Нортрон Фрай, Вольфганг Изер сингари нафосатшунос ва адабиётшунослар бадий асар тузилмасига анализ ва синтез муносабатлар йиғиндиси сифатида баҳо бермоқдалар. Бадий асардаги эстетик ҳолатлар, имплицит китобхон ҳақидаги қарашлар шу каби тажрибалар орқасида туғилди. Шундай асарлар борки, китобхон (танқидчи)даги эстетик эҳтиёж бойиб, ортиб боравергани сайин матндаги заҳира қаватлар, имкониятлар ўзини намоеън эта боради. Буни В.Изер маънолар зич, тифизлигининг *континууми* (қат-қатлиги) дейди. Адабий матн ҳеч қачон бир йўналишдаги ахборот ёки ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. У ҳамиша, ҳар қачон маънолар кўпқаватлилиги, зичлиги манбаидир.

Учинчи бобнинг биринчи фасли **“Сатрлар руҳига сингиш ва микроанализ имкониятлари”** деб номланган. Микроанализкунт билан ўқиш, маъзини чақиш орқали таҳлил қилиш. Адабий матнни синчиклаб ўрганиш, биринчидан, бу усул ундаги узук-юлуқликни, ямоқ-ясоққни, иккинчидан, матндаги “синган”, “мажруҳ бўлган” ўринларни, учинчидан, бир услубнинг бегона услуб билан алмашиб қолишини, тўртинчидан, матнга сингишиб кетмаган, “бегоналигича” қолиб кетган образларни, бешинчидан, асар муаллифи руҳияти-ҳолатида рўй берган ўзгаришларни бехато кўрсатади. Талқин-матн ботинида туриб таҳлил қилишидир. Матнга сингиш уни ич-ичидан кузатиш, тузилма руҳидаги



ботиний ҳаракатни англаш демакдир. Шўро даврида микро-анализ деярли ривожланмади, матннинг бутун, “соғломлигига” эътибор берилмади. Аксинча, шўро даврида аксарият мумтоз матнлар сиёсий, мафкуравий сабаблар боис бузиб-ёриб, қисқартириб, ямоқ-ясоқ қилиниб, “таъмирланиб” нашр этилди. Ўзбек адабиётшунослигида матншунослик, манбашунослик сингари соҳалар, уларнинг забардаст намояндалари бўлгани ҳолда, матнларнинг аслига мос, мукамал нашр этилиш имкони кам эди.

Шўро даврида мунаққид сиёсий-мафкуравий хатога йўл кўйишдан кўрқарди, лекин у асар матнини бузиб-ёриб, фикрни тамоман ўзгартириб, таҳрир қилишдан заррача чўчимасди. Аксинча, шеърни шўро мафкурасига мослаб таҳлил қилиш (гарчи у матнга зид бўлса-да) катта гуноҳ ҳисобланмасди. Санъаткор боғдан, танқидчи тоғдан келган ҳолатлар бот-бот учарди. Мунаққид Очил Тоғаев Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеърига очикдан-очиқ туҳмат қилади, асарни сохта, кўпол таҳлил қилади: “...аёлнинг уруш келтирган жудолик, алам, изтиробларининг асири бўлиб, дунёдан тоқ ўтиши урушнинг ҳаётга келтирган зарарини янада чуқурлаштириш, келажак авлоднинг нуфусига зарар келтириш эмасми?! Бошқача айтганда, узлатга чекиниб ҳаёт кечириш авлодлар аро асрий алоқа - ворислик кўпригига раҳна солиш демакдир”.<sup>1</sup> Шўро танқидчилигида “ёзилмаган бир қонун”, 20-30-йилларда ижод қилган И.А.Виноградов (1902-1936) тадқиқотларида “цитата тафаккури” деб номланган усул бор эди. Мунаққид, тадқиқотчи ноҳўя бир фикрни, даъвони шартта айтарди-да, ўзини дарҳол марксизм-ленинизм улуғлари ёхуд амалдор раҳбар томонидан айтилган гап – иқтибос панасига олар эди. Очил Тоғаев “Аёл” шеърини ер билан яксон қилади-да, ўзини буюк Лев Толстой панасига олади: “Аёл” қаҳрамони билан “Ҳазрат Сергей” қиссаси қаҳрамонини муқояса қилади. Ваҳоланки, бундай усул ўзини зинҳор оқламайди.

Диссертацияда 80-90-йиллардаги юзаки ёзилган танқидий асарлар қораланади. Муаллиф “Бой ила хизматчи” драмасининг таъмирланган нусхасида бегона услуб, Ҳамза табиатига ёт образлар ҳақида далилларга асосланган ҳолда мулоҳаза юритади. Таъмирларган нусхада плагиат “кўчирмачилик” ҳолати учрайдики, тадқиқотчи Сувон Мелиев бу масалага диққатни жалб қилади. Адабиётшунос Аҳмад Алиев таъмирланган “Бой ила хизматчи” драмасидаги Солиҳбой образида Фитратнинг “Арслон” драмаси-

<sup>1</sup> Тоғаев О. Севги ва садоқат // Гулистон. -1983. -№ 8.

даги Мансурбойнинг хатти-ҳаракатларини кўради.<sup>1</sup> Адабиётшунос Наим Каримов “Бой ила хизматчи” драмасининг таъмирланиши машхур асарни унутилиб кетишдан сақлаб қолганлигини таъкидлар экан, “Бой ила хизматчи”нинг янги (қайта тикланган) нусхасини таҳрир қилинган деб аташ мақсадга мувофиқ, деган хулосага келади.<sup>2</sup>

Диссертацияда Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг қайта талқин қилиниши, янги талқинларда ҳикоялар руҳига чуқур кириб борилганлиги О.Отахонов, С.Мелиев, С.Содиқов, Ҳ.Каримов мақолалари мисолида ёритиб берилади.

Мазкур фаслда Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ҳақида бўлиб ўтган баҳслар тарихига эътибор қаратилиб, “Сароб” романининг ижодий тарихи ҳақида М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, С.Содиқов, Р.Кўчқоров сингари адабиётшуносларнинг 80-90-йилларда ёзган мақолалари таҳлил қилинган. Р.Кўчқоров романнинг яратилишига сиёсий воқелик сабаб бўлганини, “Сароб” сиёсий роман сифатида 30-йилларнинг охирида муҳим аҳамият касб этганини ёзади. О.Шарафиддинов, М.Кўшжонов роман етук бадиий асар эканлигини, унда мўрт, ожиз қаҳрамон фожиалари акс этганлигини кўрсатади. У.Норматов “Қаҳҳорни англаш машаққати” асарида Абдулла Қаҳҳор асарларининг янги шароитда, мустақил Ўзбекистон илмий тафаккури нуқтаи назаридан қайта ўрганди. Мунаққиднинг “Ўтмишдан эртақлар” ва абсурд” мақоласи<sup>3</sup> янгича талқин руҳини акс эттириши билан алоҳида эътиборга эга. Бироқ мана шу талқинда хавfli бир ҳолат сезилади: биз ўз адабиётимиз намуналарини осонгина ғарб абсурд адабиёти хирмонига кўшиб қўймаймизми?

Адабий матнни ботиндан текшириш, мисраларни ичичидан ёритиш шеърят таҳлилида янада аниқ кўзга ташланади. Ёш мунаққидлар шеърятга, насрга, драмага ўткир нигоҳ ташламокда, матн ости, матн орти маъно-мазмунини англашга интиломда. Хуршид Даврон шеърларини талқин қила туриб мунаққид М.Қаршибоев ёзади: “Шоир шеърларидан ташқи фикр излаш унинг шеърларига жуда жўн муносабатдан бошқа нарса эмас. Аввало, шеърдаги ички ҳаяжонни англаш керак, ундаги

<sup>1</sup> Алиев А. Фитрат ва унинг “Арслон” драмаси // Гулистон. -1989. -№12.

<sup>2</sup> Каримов Н. “Бой ила хизматчи” драмасининг ижодий тақдири / Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. -Т.: Фан, 1988. -Б. 62.

<sup>3</sup> Норматов У. “Ўтмишдан эртақлар” ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2000. -14 июл.

лирик кайфиятни юракка кўчириш керак".<sup>1</sup> "Ички ҳаяжонни англаш", "Лирик кайфиятни юракка" кўчириш микроанализнинг асосий белгисидир. 80-йиллар пировардида танқидчилик фаолиятларини бошлаган М.Қаршибоев, М.Намозов, З.Эшонова, М.Маматвалиев сингари мунаққидлар қайси адиб ижодини таҳлил қилишга киришмасинлар, аввало, ўша ижодкор руҳига сингишга, маълум фурсат унинг таъсирида бўлишга интиладилар. Бироқ ҳамон танқидчилигимизда асар руҳига кира билмаслик нуқсонлари учрамоқдаки, синчков мунаққид Озод Шарафиддинов ўз вақтида бу камчиликка эътиборни жалб этган эди.<sup>2</sup>

Адабий матнни ботиндан қузатиш, сатрлар руҳида рўй бераётган ҳолатларни ифодалаш, умуман, матндаги узлуксизлик, бутунликни кўрсатиб бериш таҳлилнинг нозик кўриниши. Таҳлилда сўзлар, имо-ишоралар устида тўхталиш, матн ўзига хос тенглама, формула эканлигини ҳис қилиш яна ҳам мураккаб муаммодир. Адабий матн - ўзига хос, бетакрор тузилма. Мазкур тузилма (структура) ҳақидаги илк маълумот (ахборот)ни сарлавҳа беради. Сарлавҳа - тузилманинг сиққ таърифи, рамзий, таҳлилий ифодаси. "Сароб", "Синчалак", "Ўзбегим", "Диёнат", "Икки эшик ораси", "Хотирам синиқлари" - асар моҳиятини ифодалайдиган калитлар. Аниқроғи, сарлавҳа - код: асар давомида шу сирли жумбоқ ечиб борилади.

Фаслни яқунлаб айтиш жоизки, пала-партиш ёзилган адабий матн обрў-эътибор топмаганидай, наридан-бери ўқиб таҳлил қилиш мумкин эмас. Адабий матн қалб кўзи билан ўқилиб, ақл-хуш тарозусида обдан ўлчангач, талқин маромига етади. Бундай талқинда матннинг гўзалликлари ҳам, етишмовчиликлари ҳам, бегона қўлнинг аралашувидан топилган шикастлар ҳам аниқ кўринади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **"Структурал-семантик таҳлил муаммолари"** деб номланган. Аадбиётшуносликда тузилма (структура), белги ва ишоралар(семиотика)га асосланган таҳлил йўсинлари мавжуд. Шу билан бирга структурал таҳлил кўпинча тилшунослик томон, семиотик таҳлил математик лингвистика томон оғиб кетаётгани маълум. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида асарларни сўз таҳлилисиз, ишора ва тимсоллар мазмунисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мумтоз адабиётда сўзнинг сер-

<sup>1</sup> Қаршибоев М. Поэтик фикр мезони // Ёшлик. -1987. -№ 7.-Б. 76.

<sup>2</sup> Шарафиддинов О. Бир тилда гаплашайлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1987. -9 январ.

қирра ва пурмаънолилигига асосланган туюк, таърих, муаммо, чистон каби жанрлар мавжуд. Адабиётшуносликда адабий матн таркибига кўра таҳлил қилиш усули бор. Бадий асар ғояси шаклланишига кўра қайта қурилади. Таркиб адабий матн структураси сифатида қайта яратилади. Жонли одамнинг тузилишида тартиб-аъзоларнинг ўрни, вазифаси бўлгани каби адабий матннинг ҳам ўз аъзолари бўлади. Ижодкор бадий асарни изчил қиёфали бетакрор инсон сифатида яратади. Адабий матн тузилмасида ҳам бадий асарда кичик олам билан катта олам ўзаро мосликда ва ички тартиботда яратилган бўлиши керак. Санъаткор матн тузаётганда ғайришуурий ҳолда табиат, одам тузилмасига тақлид қилади.

Шеърятда олами сағир билан олами кабирни, яъни одам билан оламини қиёслаш кўп учрайди. Шу жараёнда сўзларни танлаш, ўрни-ўрнига қўя билиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Турсун Рауфов ижодида макромир ва микромир, олами кабир ва олами сағир – Олам ва Одамнинг бир бутунлиги, бир-бирини тўлдириши дикқатни жалб этади. Шу жараёнда тирик сўзни топа билиш, уни шеъринг матнда беҳато ишлата олиш муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, бадий асар – адабиёт оламининг ўзига хос кичик зарраси. Бу зарранинг-да ўз тақдири, атвори, тузилмаси мавжуд. Ҳар бир етук асарда инсон мияси сингари зичлашган, ёйилиши лозим бўлган нуқталар, ишора ва рамзлар борки, булар семиотик ва структурал таҳлил доирасида ўрганилади.

80-90-йилларда “Гўзал”, “Халқ”, “Бузилган ўлкага” (Чўлпон), “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Биринчи муҳаббатим”, “Сен баҳорни соғинмадингми?” (А.Орипов), “Ўзбегим”, “Инсон”, “Рухлар исёни” (Э.Воҳидов) сингари етук асарлар талқинларга сабаб бўлди. А.Ориповнинг “Олтин балиқча” шеъри кўп бор таҳлил, талқин қилинди. Яшар Қосимов “Тилла балиқча”нинг толеи” мақоласида<sup>1</sup> шеърнинг руҳига киради, “тилла” ва “лойқа” сўзларини бошқарувчи сифатида танлайди. Шеъринг конфликтнинг икки ўзаро зид кутбини - “тилла балиқча” ва “лойқа ҳовузча”ни қиёслайди.

Академик М.Қўшжонов “Тилла балиқча”ни характер нуқтаи назаридан ўрганади. Талқинчи тилла балиқчани худбин, дунёқараши тор одам тимсоли деб билади: “Ахир, дунёни фақат ўзининг тор, бурқсиган дунёқараши билан кўрадиган, баъзан

<sup>1</sup> Қосимов Я. “Тилла балиқча”нинг толеи // Шарқ юлдузи. –1986. -№12.

фақат ўз шахсий манфаати нуктаи назаридан ҳаётга муносабатда бўладиган, ўзини эр билиб, ҳаётда шерлар борлигини тасаввур қила олмайдиган тилла балиқсифат худбинлар бор-ку”<sup>1</sup>.

Сувон Мелиев икки асосли талқиндан сўнг “Тилла балиқча”га ўзича ёндашади, муҳими, митти шеър ҳақида янги гап айта олади. Талқинчи ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, оҳанг, ифодага эътибор беради. Ниҳоят, унинг диққати учта сўзга жалб этилади: “Менга алам қилар”. Шеър ғоясини “мен”, яъни шоирнинг тилла балиқчага муносабатидан эмас, балки “мен”нинг тилла балиқча дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билишига муносабатидан қидирмоқ керак. Алам қиладиган нарса ҳам аслида - шу”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди. Мазкур талқин кенг миқёсда фикр билдиришга, дунё ва одамлар ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Талқин талқини йўл очади: XXI асрда “Тилла балиқча” янгидан-янги талқинларга тортилишига шубҳа йўқ.

Мунаққид И.Ҳаққулов сўздан сўзнинг фарқини, қимматини аниқ белгилайди, матндаги сўзларнинг вазифасини, имкониятларини баҳолай билади. У асарнинг “жон”ини, асаб ришталарини, ижодкор концепциясини англаб етгач, “жон”га ўз “жон”ини, концепцияга ўз қарашларини пайванд қилади. Иброҳим Ҳаққулов учун сўз - калит, сўз - маҳак тоши, сўз - истеъдод даражасини белгиловчи мезон. У сўз дунёсига саёҳат қилишдан завқланади: бир сўз маъносини англаш учун бир қанча халқлар адабиётшунослигига, кўплаб олимлар ижодий оламига кириб боради, луғатлар титқилайди. Олимнинг қалами катъий, сўзлари ишончли, фикрлари ўткир, дадил. Бунинг боиси шуки, у гумонни, асосланмаган даъвони ёқтирмайди, сўзни теран ҳис қилмасдан у ҳақда гапирмайди. “Муҳаммад Фузулий девони дебочаси”да “Илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асосиз девор ғоятда беътибор ўлур” дейди. Биз “асоси йўқ деворга ўхшаш “замонавий” шеърларни ўқийвериб, шеърни илм билан эмас, илмсизлик билан қабул айлаш ва ўрганишга одатланиб қолганмиз - деб ёзади Иброҳим Ҳаққулов. - Бу кўникма мумтоз шеърятимизнинг завқ, руҳият ва санъат дунёсидан шу даражада йироқлаштирдик, охир-оқибатда кўпчилигимиз у ёки бу шеърнинг мазмунини куруқ чайнаш, йўқ сифат ва фазилатларни тўқиб, уни макташдан илгарилай олмайдиган бўлдик”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Кўшжонов. М., Мели С. Абдулла Орипов. -Т.: Маънавият, 2000. -Б. 30-31.

<sup>2</sup> Кўшжонов. М., Мели С. Абдулла Орипов. -Т.: Маънавият, 2000. -Б. 87.

<sup>3</sup> Ҳаққулов И. Бир байт талқини // Сирли олам. -1998. -№ 5.

Талқинчи асосни аниқласа, матннинг “жони”ни топа олса, тузилма(структура) ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Генетика фанида ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) назарияси бўлиб, у инсондаги наслдан-насла ўтиб борадиган ирсий ҳолатларни кўрсатиб беради. Адабий матнда ҳам асосни белгиловчи - ДНКни ташкил қилувчи нуқталар борки, уларни ўзлаштириб олган талқинчи асарнинг ҳар бир белгиси, ишораси ҳақида бемалол мушоҳада юритиши мумкин. Абдулла Қодирий романлари - ҳар томонлама мукамал тузилма: талқинчилар романинг ҳар бир сўзи, қаҳрамонларнинг билинар-билимас ишоралари ҳақида кенг фикр юритишлари мумкин. Диссертацияда Х.Султоновнинг “Андиша”, У. Жўрақуловнинг “Ўзбек ойим нега “оғма” мақолалари таҳлил қилинган.

Адабий матндаги зичлик, йиғиқлик семиотик таҳлилда очиб берилди. Семиотика белгилар, сўзларни хос йўлда ифода қилади. Биз семиотикани таҳлил йўсини, яъни белги ва тимсолларнинг маъносини кўрсатувчи имкониятлар доирасида қўлламоқдамиз. Диссертацияда Эркин Воҳидовнинг “Ассалом, келажак!”<sup>1</sup> номли мўъжаз мақоласи таҳлилга тортилган. Шоир ушбу мақолага ўз ижодининг калити, “коди”ни яширгандай туюлади. Мақоладаги залварли жумлалар, фикр-ўйлар моҳиятини англаш учун шоир ижодини - шеърлари, дostonларини хаёлда жонлантириш жоиз. “Тараққий занжир топди ва занжир тараққий топди. Занжир одатга айланди, одат занжирга айланди. Ўлмаган қулнинг қуллиги ўлмади. Коинотнинг хожай арзандаси ва ўз нафсининг бандаси бўлиб яшади инсон. Молу давлатнинг, шону шавкатнинг, урфу одатнинг, вақту соатнинг ва яна минг бир ҳолатнинг қули бўлиб яшаётир инсон”, – дейилган фикр ўйнаб-ўйнаб битилгандай туюлса-да, ўйлаб-ўйлаб, фикрни бир нуқтага жамлаб, босиб ўтилган ижод йўлини қамраб қоғозга муҳрланганлиги англашилини. Диссертация муаллифи мақоладаги “код”ни ечишга – шоир ижодини, шеърларини таҳлил қилишга интилган.

Хуллас, ҳар бир санъат асарида инсон мияси сингари маъно тугунлари бор. Талқиннинг тузилма (структурали), имо-ишора, белги, алоҳида сўзлар маъносини ёритиш бўйича таҳлил йўсинлари борки, булар маънони намоеъ этиш, асар баҳосини кўрсатиш имконини беради. Структурал ва семиотик таҳлил

<sup>1</sup> Воҳидов Э. Ассалом, келажак // Жаҳон адабиёти. -2000. -№1.



асар поэтикасини ёритишда муҳим восита бўлиб, ҳануз бундай таҳлил йўсинлари танқидчиликда кенг қўлланилмаган эди.

Учинчи бобнинг навбатдаги фасли **“Услуб таҳлили муаммоси”** деб номланган. Фаслда ёзувчи услуби эмас, мунаққид услуби таҳлили масалалари ўртага қўйилган. Мунаққид – санъаткор: унинг ўзлиги услубида намоён бўлади. Мунаққид услуби муаммоси алоҳида бир фаслда ўрганилар экан, диссертация муаллифи олдинги боб, фаслларда кўтарилган муаммоларга яна бир бор диққатни жалб этмоқчи, мунаққиднинг илмий-эстетик принципларини таъкидламоқчи бўлади. Услуб санъаткорнинг барча асарларини бирлаштиради, ижоди-истеъдодига хос хусусиятлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Услуб талқиндагина юзага чиқади. Чунки талқин санъаткор асарларининг ич-ичидан туриб нима дейилмоқчи бўлганидан ҳолис хабар беради, ғоя қай йўсинда (услубда) намоён қилинганлигини кўрсатади. Фаслда М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов услублари таҳлил қилинади. Нега диссертация муаллифи мана шу икки мунаққид услубини таҳлил қилди? Биринчидан, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов ижодида ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек танқидчилигига хос хусусиятлар мужассамлашган. Иккинчидан, улар Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султонов, Ҳомил Ёқубов ижодларидаги асосий йўналишларни давом эттирди. Учинчидан, У.Норматов, Б.Назаров, Н.Каримов, И.Ғафуров, Б.Қосимов, Н.Раҳимжонов, И.Ҳаққулов сингари мунаққидлар ижодида шу икки мунаққид асарларидаги фазилатлар давом эттирилди. Тўртинчидан, энг асосийси шуки, мана шу икки мунаққид ижодисиз сўнги эллик йиллик ўзбек танқидчилиги кемтик, услубан қиёфасиз бўлиб қолаётгандай туюлади. Бешинчидан, ҳар икки танқидчи қандай анъанани давом эттираётганликлари, ўзларидан кейинги авлод ўзбек танқидчилигининг ҳаётбахш, тирик руҳини қандай илгарилаетганлигини синчковлик билан кузатиб бордилар.

Диссертацияда ХХ аср ўзбек адабиётида характер масаласининг қўйилиши, ўрганилишига кенг ўрин ажратилган. Характер ҳақида айтилган мулоҳазалар М.Қўшжонов ижоди мисолида кўрсатилди. М.Қўшжонов адабий танқиднинг барча жанрларида ижод қилди. Мунаққид матнга узвий боғланган ҳолда иш кўрадиган тадқиқотчилардан бири. Унинг асарларини ўқиган одам талқин қилинаётган асар матнига бот-бот мурожаат қилинаётганлигини билиб туради. Мунаққид ўз ижоди ҳақида



шундай ёзади: "... матн устида ишлашни ўзимга шарт қилиб қўйдим. Шу мақсадда асарни ўқиб, "асар" яратишга уриндим. Аксарият ҳолларда бирор ҳикояни 1-2 марта ўқийман-да, китобни ёпиб ўша асарни қайта ёзаман. Кейин асл матн билан солиштираман ва йўл қўйган камчиликларимни англаб оламан. Камчиликларимни ҳисобга олиб иккинчи марта ёзишга ўтираман ва яна матнга солиштираман. Кўнглим тўлгунча бу жараён давом қилади. Шу йўсинда матнга нисбатан муҳаббат туйғуси шаклланди менда"<sup>1</sup>.

М.Кўшжонов асарларида машҳур олим, файласуф, ёзувчилар асарларидан олинган иқтибослар кўп. Лекин зинҳор кўчирма (иқтибос)лар танқидчи қарашларини тўсиб қуймайди. "Маъно ва мезон" китобида энг кўп қўлланган сўз "маъно" орқали, "маъно излаб топиш", "қатта маъно бахш этиш", "маънонинг шу хилда тарқоқ бўлиши ҳам маъносизликнинг бир кўринишидир", "тарихдан ҳам маъно излаш зарур" каби ифодалар орқали бадий маънони тушунтиришга эришган<sup>2</sup>. Санъаткор ва ёзувчи ҳаёт материални тафаккури чиғириғидан ўтказди, А.Қаҳҳор сўзи билан айтганда, "қайта бичиб, қайта тикади", аниқроғи, ҳаёт материални қайта ташкил қилиш пайтида ўзлигини намоян қилади.

У ҳамиша илмий мантиқ, танқидий тафаккур, талқин ва баҳолаш йўналишларида изчил ҳаракат қилди. М.Кўшжонов ҳеч иккиланмасдан ожиз асарнинг камчиликларини кўрсатди, қанчадан-қанча асарларнинг бадий яроқсизлигини исботлади. Шунинг учун ҳам М.Кўшжоновнинг бош йўли, услубининг табиати алоҳида ўрганишга лойиқдир.

Озод Шарафиддинов - етук мунаққид, толмас курашчи, ярим асрлик ўзбек танқидчилигининг ёрқин намояндаси. У танқидчилик майдонига Қалб ва Поэзия деб кириб келди. Бутун йиллар давомида О.Шарафиддинов қалб билан ижод қилди. Қалб ёлқини - лирика, қалб нидоси - поэма, қалбга яқин ижодкорлар ҳақида ёзди.

Мунаққид ижодида наср, драматургия масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўп, лекин шеърят ва адабий танқид муаммолари уни кўпроқ қизиқтиради. Бошқа ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, О.Шарафиддинов танқид ва танқидчилар ҳақида

<sup>1</sup> Кўшжонов М. XX аср менинг тақдиримда // Жаҳон адабиёти. -2001. -№1. -Б. 13-14.

<sup>2</sup> Кўшжонов М. Маъно ва мезон. -Т.: Гафур Ғулوم номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. -Б. 20-21.

кўп ёзган. Унинг «Чўлпонни англаш» асари XX аср ўзбек танқидчилиги руҳини акс эттиради. «Гўзаллик излаб», «Ҳақиқатга садоқат» китобларидаги аксарият мақолалар танқид ва танқидчилар ҳақида. У Чўлпон, Ойбек, Отажон Ҳошимнинг адабий танқидий қарашлари ҳақида тадқиқотлар яратган. XX асрда ижод қилган мунаққидларнинг аксарияти ҳақида О.Шарафиддинов яхшими-ёмонми, батафсилми-қисқагинами, хуллас, фикр билдирган. У Иззат Султоновни, унинг ижодини юксак қадрлайди: "... адабиётшунос ва мунаққид асарларини халқ учун ардоқли қиладиган зарур шартлардан бири - уларда ўзак масалалар кўтарилиши билан бир қаторда, бу масалалар ҳақида айтиладиган фикрнинг теранлиги ҳамдир... Олим адабиёт фактларини жуда яхши билади, лекин уларни ҳеч қачон қуруқ санаш билан ёхуд уларга шунчаки изоҳ бериш билан чекланиб қолмайди. У бирон бир конкрет асарга тақриз ёзадими, адабиётнинг бирор жанрига обзор берадими, проблематик мақола ёзадими, барибир, адабиёт ҳақида чуқур фикрлар айтишга, фактлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилади".<sup>1</sup>

Қалб ва ақл-мунаққид Озод Шарафиддинов услубининг асоси. Унинг асарлари дадиллик, ишонч, узоқ-узоқни кўра оладиган ақл нури билан йўғрилган. Бу хусусиятларни куйидаги иқтибос орқали ҳам кўришимиз мумкин: «Мунаққид санъаткор асари баҳонасида ҳаёт ва ижод тўғрисида мустақил фикрлайди, фикрлаш жараёнида эса китобхон кўз ўнгида санъаткор шахсиятининг ўзига хос қирралари ҳам, ижоднинг машаққатли ва айни чоғда сурурли онлари ҳам, асар вужудига сингиб кетган гўзаллик ва маънодорлиги ҳам очилиб боради. Иброҳим санъаткор ва унинг асари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, йўл-йўлакай шундай умумлашмалар чиқарадики, уларда санъатнинг умумий муаммолари, моҳиятли масалалари лўнда ва ихчам ифодаланган бўлади».<sup>2</sup>

Мунаққиднинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси», «Шеър кўп, аммо шоирчи?», «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч!» сингари мақолаларида дадиллик, қурашга ундаган қатъий фикр, масъулият ҳисси аниқ кўзга ташланади. Бу мақолаларда О.Шарафиддиновнинг эстетик концепцияси, адабий-танқидий этиқоди, ўзлиги намоён бўлган.

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. -Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. -Б. 192-193.

<sup>2</sup> Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. -Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -Б. 346.

Озод Шарафиддинов ижодининг бошланишидан тортиб ҳозиргача давом этиб келаётган яна бир масала бор. Бу – Чўлпон ижодига, ҳаётига муносабат масаласи. Олим 50-йиллардан мустақилликкача Чўлпон асарларини ўрганиш, машхур шоир ҳаётини тарғиб қилиш масаласини кўйди. Шу йўлдаги хатти-ҳаракатлар олимнинг эътиқодли адабиётшунос сифатидаги обрўсини орттирди. Аксинча, коммунистик мафкура етакчилари О.Шарафиддиновни ҳаминша жиловлаб, йўлини тўсиб турдилар. Охир-пировардида Чўлпон ва унинг асарлари учун Мустақил Ўзбекистонда кенг йўл очилди. О.Шарафиддинов ва унинг издош, шогирдлари Чўлпон ижодини берилиб, изчил таҳлил, талқин қилмоқдалар.

Озод Шарафиддинов ўз даврининг кишиси, ижодкори. У бошқа мунаққидлар қатори, шўро адабиёти, унинг муаммолари ҳақида анчагина мақолалар ёзди, лекин у ўзбек мумтоз адабиёти, унинг намояндalари ҳақида ёзмади. Олим мумтоз адабиёт, мумтоз ёзувчилар ҳақида ёзиши мумкин эди. Аммо у шунчаки ёзишни ҳеч қачон истамаган. О.Шарафиддинов жаҳон адабиёти, ундаги илғор тамойилларни чуқур англайди. Шунингдек, у шаклланаётган ўзбек модерн адабиёти, унинг намояндalари ҳақида мақолалар ёзмади. Бу масалада ҳам олимнинг ўз эътиқодлари, изчил қарашлари бўлиши табиий. Хуллас, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек танқидчилигида О.Шарафиддиновнинг ўз овози, бетакрор услуби бор.

Ўзбек адабий танқидчилигида уч услубий йўналиш мавжуд бўлган бўлса, бу йўналишларни Ойбек, И.Султонов, М.Кўшжонов ва О.Шарафиддинов ижоди билан боғлаб тушунтирса бўлади. Ойбек ва Иzzат Султоновда фалсафий, М.Кўшжоновда эстетик-таҳлилий, О.Шарафиддиновда ҳиссий-образли услуб етакчилик қилади. Адабий жараёнда ҳаракат қилаётган ўзига хос услубга эга бўлган мунаққидларгина бадий асарни таҳлил ва талқин қилишда нисбатан тугалликка эришишлари мумкин.

Диссертациянинг «Хулоса» қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий умумлашмалар куйидагича ифодаланган:

1. Адабий-бадий танқид санъат сингари қадимий соҳа. Инсониятга нафи теккан соҳа борки, унинг тарихи ва фалсафаси шаклланган. Адабий танқид бадий асар воситасида ҳаёт, инсонлар ҳақида мушоҳада юритади; бадий асарнинг ижтимоий-маданий муносабатлардаги ўрни, вазифаси, мақсади,

миллий-мафқуравий, умуминсоний моҳиятини ёритади; адабий матнни ҳар жиҳатдан ўрганиш орқали бадиий асар қимматини белгилайди.

2. Адабий талқин азалдан танқиднинг асоси бўлиб келган. Талқин бадиий асар ҳақида асосли, мантиқий, изчил мулоҳаза юритишдир. Талқинчи асарнинг илдизига эътибор қаратади. Унинг жонли, ҳаракатланувчи “организм” эканига ишонч ҳосил қилгач, тузилмадаги “ҳаёт”нинг ўзига хосликларини ёритади. Ҳақиқий талқин мисоли қафтдаги юрак: унинг маромли ҳаракати, ҳарорати, ҳаётий жозибаси аниқ-тиниқ кўриниб туради.

3. Адабий талқин синоати ўзлаштириш нафосатшунослиги (рецептив эстетика)ни англаш жараёнида намоён бўлади. У уч муҳим босқичдан ўтади: а) матнни уқиш, англаш; уни ўзлаштирувчи руҳига сингиб борувчи ҳароратли нутққа айлантириш; б) асарни яратишда ёзувчи руҳида кечган ҳолат ва туйғуларни қайта жонлантириш, ихтиёрий равишда санъаткорга руҳдош, кечинмадош бўлиш; в) матнни мукамал уқиш, кечинмадошлик – ўзлаштирувчининг қалб нигоҳи қаршисида “жонли”, бетакрор қиёфадаги тузилмани намоён қилиш.

4. Мумтоз нафосатшунослик ва адабиёт илмида талқинчи (тафсирчи, таъвилчи, шорих)ни зурафо, урафо, аҳли дарк номи билан атаганлар. Илми бадий, илми шарҳ, илми ғариба босқичларидан ўтган мунаққидгина гўзал асарлар, нозик шарҳлар, илмий тадқиқотлар ярата олади.

5. Ғарб нафосатшунослиги ва адабиётшунослигида талқиннинг илмий-назарий асослари герменевтика, қадриятларни баҳолаш илдизлари эса аксиология фанларида ўз аксини топган. Герменевтикада ҳис қилиш, кечинмадошлик масаласига алоҳида урғу берилади. Ғарб нафосатшунослигида кечинмадошлик, ҳис қилишнинг фалсафий оқим ва мактаблари мавжуд бўлган. Аристотель кечинмадошлик асосида катарсис-маънавий-руҳий покланув, каолокогот-маънавий ўзгаришга ўзини бағишлаш таълимотини сингдириб юборган. Аристотелдан бошлаб то XVIII асргача Европада эстетика ҳис қилиш, кечинмадошлик – руҳий-маънавий покланув жараёнини англатувчи фан сифатида тушунилган.

6. Инсоннинг Яратганга муҳаббатини англатган руҳий-покланув жараёни XX асрга келиб марксча-ленинча дунёқараш асосида қайта қурилди. Шўро эстетикаси маънавий-руҳоний

покланув, яъни ҳақиқий талқин жараёнини инкор қилди: ижтимоийлик методини байроқ қилиб кўтарди. Ижтимоий муносабат шўро адабиёти ва танқидчилигининг методи – соцреализмининг мақсад, моҳиятини белгилади. Соцреализм тоифасидаги қарашлар чин талқиннинг ўрнини саз ва ижтимоий талқинлар билан алмаштирди. Ҳақиқий олимлар мумтоз талқинчилик анъаналарини унутмадилар, бу жабҳада собитқадамлик билан изчил ҳаракат қилдилар.

7. Талқин илмида қадимдан давом этиб келаётган қонуният борки, бадиий асар яратувчиси айна вақтда ботиний талқинчи ҳамдир. Низомий, Навоий, Шекспир, Пушкин сингари даҳлар ўз асарларининг мангу яшашига ишониб асарлар битганлар.

XX асрнинг 70-йилларида Фарбий Европа адабиётшунослиги ва танқидчилигида ботиний талқинчи-ёзувчи қалбидаги китобхон, бадиий асар тузилмасидан жой олган имплицит (яширин) ўқувчининг реал китобхон билан муносабатга киришиши ҳақида ёзила бошланди. Шу жиҳатдан ҳозирги ўзбек танқидчилигини кузатганда имплицит китобхоннинг вазифаси ва ровий киёфасидаги давомий ҳаракати кўзга ташланади.

8. Талқин мақсадли ва кенг миқёсли таҳлил орқали амалга оширилади. Мақсадли таҳлилни бадиий асарга аниқ муаммо нуқтаи назаридан ёндашув ҳам дейиш мумкин. Бадиий асарда санъаткор руҳи, ҳолати, ботиний драмалари ва муҳит ўртасидаги конфликтлар ҳам акс этадики, уларни ўрганиш матн-матности-матнорти илмий муаммоси орқали амалга оширилади.

9. Тарихий-биографик ёндашув муаммоси француз олими Ш.Сент-Бёв асос солган биографик метод билан муносабатда ўрганилади. XX аср шўро адабиётида ёзувчи ҳолати билан асар табиати орасидаги номувофиқликлар айна мана шу метод имконияти ва таҳлил усуллари тушунмаслик оқибатида юзага келган.

10. Бадиий асарга онтологик муносабат, яъни ҳақиқий асарнинг мангу яшаши адабиётшуносликда махсус ўрганилади. Юксак истисноларгина мангу тирик асарлар яратади. Лекин буюк санъаткорнинг бир неча асарлари ҳам мангу яшаш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Онтология таълимоти асосида бадиийликни ўрганиш – бадиийликка эътибор қаратиш инсон ва уни қуршаган муҳит табиатини изчил таҳлил қилишга киришишдир.


11. Мангу асарларнинг “яшаш” тарзида ҳар бир замон, ҳар бир адабий-маданий муҳит у асарларни ўз эҳтиёжи нуқтаи назардан қайта кўздан кечиради ва баҳолайди. Қайта баҳолаш-мангу асарнинг янги замон ва янги авлодларга бадиий-эстетик таъсир ўтказиши, аини пайтда, адабий-маданий муҳитнинг бадиий-эстетик кўрсаткичи ҳамдир.

12. 80-90-йиллар танқидчилигида микроанализ-етук асарларни синчиклаб кунт билан ўрганиш тамойили кучайди. Микроанализ манбашунослик ва матншуносликка янги руҳ ва ҳаёт бахш этди. Ҳамза, А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор асарлари шундай йўсинда қайта ўрганишга киришилди.

13. Санъаткор ўз асарини бетакрор тузилма ҳолида яратади. Адабий танқид эса ўша тузилмани тирик мавжудот сифатида тушуниш ва тушунтириш даражасига етиб келмокда. Структурал таҳлилда кўп маъно юклатилган нуқталарга эътибор қаратилиб, таҳлилчи тузилма марказини ҳамиша диққат марказида тутиши лозим. Структурал-семиотик таҳлил асарни яхлит ҳолда ўрганиш ва унинг замирида ётган маънолар оламини тушунишнинг қулай йўлидир.

14. Услуб – ўзлик, бетакрорлик, санъаткор моҳиятнинг намоён бўлиши. Адабий танқидда ҳам индивидуал услубга эга бўлиш мунаққид истеъдодининг белгисидир. Ўз услубини ёрқин кўрсата олган мунаққидлардан М.Қўшжонов ва О.Шарафиддинов асарларида дадиллик, чуқур билим, муаммоларни теран кўя билиш, адабиёт манфаатини ёзувчи манфаатидан юқори қўйиш ҳоллари кўзга ташланади. Лекин ҳар бир мунаққиднинг ўз индивидуал услуби, бадиий асарга муносабатда ўзига хос ёндашув тарзи ва таҳлил йўсини бор. Адабий танқид мана шу услублар эвазига тирик.

15. Етук, бетакрор асарнинг яратилиши танқидчиликда янгича ёндашув, талқин, таҳлил йўлларининг пайдо бўлиш имкониятидир. Шу имкониятдан унумли фойдаланиш танқид назариясининг бойишига, талқин янги қиррасининг кашф этилишига қўшилган ҳиссадир. Танқид, талқин, таҳлил ана шу кашфиётлар эвазига ўсиб, ўзгариб, бойиб боровучи соҳадир.





**Диссертациянинг мазмуни ва хулосалари муаллифнинг  
қуйидаги ишларда ўз аксини топган:**

1. Адабий жараён таҳлили // Шарқ юлдузи. -1976. -№8. -Б. 231-233.
2. Адабий портретлар / Ўзбекистон ёшлари мукофоти лауреатлари. -Т.:Ёш гвардия, 1977. -Б.121-125.
3. Ички қонуниятлар алжабридан бир масала. (Адабий танқидда услубий йўналишлар) / Адабиёт ва замон. -Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. -Б.185-196.
4. Эски мавзунинг янги талқини / Ҳаёт кўзгуси.-Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1984. -Б.212-226.
5. Танқидчилик уфқлари / Адабий-танқидий мақолалар. -Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -1985. -149 б.
6. Олим ва таржимон (Ш.Шомуҳамедов. Адабий портрет). -Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -1985. (О.Шарафиддинов билан ҳаммуаллифликда). -Б.165-227.
7. Танқиднинг юксак бурчи / Ҳақиқат ижод байроғи. -Т.:Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -Б. 249-258.
8. Холис баҳолаш йўлидаги тўсиқлар // Гулистон. -1989. -№11. -Б. 158-165.
9. Ижоднинг сирли ибтидоси // Ёшлик. -1991. -№12. -Б. 64-68.
10. Тақдирлар талқини. («Меҳробдан чаён» романининг талқинлари ҳақида / Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси. -Т.: Университет нашриёти, 1994. -Б. 74-95.
11. Қатранинг имкониятлари // Шарқ юлдузи. -1994. -№7, №8. -Б. 158-165.
12. Адиб бисоти қолиб кетган асар // Шарқ юлдузи. -1996. -№6. -Б. 108-109.
13. Социал герчекчилик узерине // Қардош адабиётлар. Арзурум (Туркия). -1997. -№39. -Б. 30-33.
14. Ўзликнинг таянч туйғуси // Мулоқот. -1997. -№4. -Б. 52-54.
15. Ҳол таржимасидаги сакталиқ ва сохталиклар // Гулистон. -1997. -34. -Б. 27.
16. Аҳли дарк шарафи // Ёшлик. - 1997. -№3. -Б. 56-57.

17. Илми ғарибани кўмсаб... Рисола. -Т.:Маънавият, 1998. -62 б.
18. Адабий-назарий этюдлар / ТошДУ хабарлари. -1999. -№2. -Б. 30-35.
19. Истеъдод ва этикод / Адабий портрет. -Т.:Шарқ НМК бош тахририяти, 2000. -208 б.
20. А.Абдуғафуров. Турк дунёси адабиёти / Илмий-бадий мажмуа. 1-жилд. Отатурк Култур Маркази бошқонлиғи йайинлари. Анқара- 2000. -Б. 38.
21. Таваллуд топаётган кўнгил муждалари // Ёшлик. -2000. -№4. -Б. 40-43.
22. Олим заҳматининг баҳоси // Мулоқот. -2000. -№6. -Б. 54-55.
23. Ардоқли адиб / Адабий портрет. -Т.: Шарқ НМК тахририяти, 2001. -127 б.
24. Жамодот синоатлари // Тафаккур. -2001. -№1. -Б.90-97.
25. Бадиийлик-эскирмайдиган янгилик // Жаҳон адабиёти. -2001. -№8. -Б. 157-163.

**Диссертация муаллифининг матбуотда эълон қилган ишларига муносабатлар:**

1. Қосимов Б. Истеъдод кирралари // Тошкент оқшоми. -1981. -12 феврал.
2. Холлиев Н. Мунаққид ҳақида рисола // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1981. -3 июл.
3. Искандаров О. Танқидчи позицияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1982. -19 ноябр.
4. Қаримов Ғ., Ғуломов Б. Танқид ва наср муаммолари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1986. -18 апрель.
5. Улуғов А. Адабий танқид муаммолари // Шарқ юлдузи. -1986. -№7. -Б.
6. Шаропов А. Танқидда изчиллик, теранлик ва холислик ҳақида. Абадиёт ва санъат. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. -Б. 81-102.
7. Худойберганов Н. Илдизларни очиб кўрсатайлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1990. -2 ноябр.
8. Зиёдуллаева Н. «Илми ғариба»ни кашф этиб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1999. - 4 июн.
9. Шарафиддинов О. Адабий танқид ва янги тафаккур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001. -19 октябр.
10. Қосимов Б., Йўлдошев Қ. Истиклол ва университет адабиёт-шунослиғи // ЎзМУ хабарлари. -2001. -№1. -Б. 14-20.

## Р Е З Ю М Е

диссертации Расулова Абдугафура Рахимовича  
“Проблемы анализа и интерпретации в современной узбекской  
критике”, представленной на соискание ученой степени  
доктора филологических наук по специальностям  
10.01.02- Современная национальная (узбекская) литература и  
10.01.08-Теория литературы.

Диссертационная работа состоит из введения, трех глав, заключения и библиографии.

Во введении обосновывается актуальность темы, характеризуются цель и задачи, научная новизна, научно-теоритическая и практическая значимость работы. Определяются методические основы и степень изученности избранной темы, указываются источники литературно-критического исследования. Дается теоритическое обоснование подходами к литературно-критическому анализу, подходами и интерпретации, источниками которых явились такие науки, как герменевтика и аксиология.

В первой главе диссертации (состоит из трех разделов) “Рецептивная эстетика и проблема интерпретации” приводится анализ литературно-критических работ, появившихся в периодической печати в последней четверти XX столетия. При анализе литературного процесса 80-90-х годов диссертант раскрывает суть таких литературоведческих терминов, как “шарх” (комментирование), “тафсир” (толкование), “таъвил” (литературное обозрение) и “талкин” (интерпретация), заимствованных из классической эстетики Востока. Также, в истории литературоведения весьма развитыми были такие науки, как “илми бадий” (наука о художественности), “илми ғариба” (наука об утонченности анализа) и “илми нақд” (наука о постижении и критике), представленные учеными-литературоведами, которых называли “ахли урафо”, “ахли зурафо” и “ахли дарк”.

Опираясь на достижения классической эстетики Востока, диссертант дает анализ литературной критики данного периода, где одной из основных тенденций является интерпретация художественного текста. При определении степени развития науки об интерпретации диссертант руководствуется герменевтикой, которая истолковывается в трудах таких западноевропейских учёных, как Ф. Шлейермахера, М. Хайдеггера, Г. Гадамера, К. Юнга и русских ученых - М. Бахтина, Ю.Лотмана, Д. Лихачева, Ю. Боревы и В. Хализева.

Интерпретация, по мнению диссертанта, это желание понять

тот специфический язык искусства, при помощи которого автор говорит о своём творении. В диссертации четко показаны цель и задачи интерпретации, при наличии которой текст начинает говорить, играть множеством мотивов. Интерпретация - это раскрытие внутреннего смысла произведения. Цель интерпретатора - постичь смысл и значение разбросанной по всему тексту, лежащей в его основе единой символики. Также диссертант определяет личность интерпретатора, понимающего главное назначение искусства и специфическую функцию анализируемого произведения.

В диссертации аргументировано исследовано, почему в советском литературоведении не развивалась теория интерпретации, т.е. герменевтика. Также в данной главе автор диссертации определяет возникновение и развитие метода социологии, родоначальником которого явился Г.В. Плеханов.

Во второй главе диссертации "Проблемы восприятия и целевого анализа произведения" впервые делается попытка восполнить существующий пробел в изучении историко-биографического метода и онтологического, функционального подхода к художественному произведению. Определив основные научные критерии историко-биографического метода, диссертант показывает на основе творчества отдельных литературных критиков, насколько поверхностно и вульгарно освещены биографии писателей. Здесь диссертант определяет место и роль биографического метода не только при анализе автобиографических произведений, но и в литературном портрете - одного из жанров художественной критики. При помощи раскрытия онтологического и историко-функционального подхода диссертант показывает нынешний облик узбекской литературной критики.

В третьей главе диссертации исследуется процесс интерпретации, пути анализа и задачи интерпретатора в нём. Здесь рассматриваются проблемы литературоведческого анализа и такие его типы, как "микроанализ", "структуральный анализ" и "целостно-системный анализ" художественного текста. В данной главе раскрываются общие тенденции литературного процесса 80-90-х годов, а также стилевые особенности литературных критиков. Автор диссертации путем анализа стилей двух ведущих узбекских критиков О. Шарафиддинова и М. Кошчанова показывает живую атмосферу узбекской литературной критики конца XX столетия.

Каждая глава и вся диссертационная работа имеют соответствующую заключительную часть, где обобщаются результаты исследования и теоритические выводы автора работы.

## SUMMARY

**of the dissertation by Rasulov Abdugafur Rahimovich entitled  
“Problems of analysis and interpretation in modern Uzbek criticism”  
submitted for competition for the scientific degree  
of Doctor of Philological Sciences in specialties 10.01.02 – Modern  
National (Uzbek) Literature and 10.01.08 – Theory of Literature.**

The dissertation consists of the introduction, three chapters, conclusion and the bibliography.

The introduction describes the urgency of the dissertation's topic, as well as characterizes the work's purpose and tasks, its scientific novelty, scientific, theoretical and practical importance. Methodical bases and the degree of examination of the selected topic are defined, sources and objects of the research are specified. Theoretical evidence of the literary-critical analysis, approaches and interpretation, derived from such sciences as hermeneutics and axiology, is given.

The first chapter of the dissertation (consisting of three sections) entitled “Receptive aesthetics and the problem of interpretation” produces the analysis of the literary-critical works that have appeared in periodic press in the last quarter of the 20<sup>th</sup> century. While analyzing the literary process of the 1980-90-es, the author of the dissertation reveals the essence of such terms of literary criticism as “sharh” (comment), “tafsir” (interpretation), “ta’vil” (literary review) and “talqin” (interpretation), borrowed from classical aesthetics of the Orient. Besides, in the history of literary criticism such sciences as “ilmi bade” (science about artistry), “ilmi g’ariba” (science about finesse of the analysis) and “ilmi naqd” (science about comprehension and criticism) represented by literary critics-scientists called “ahli urafo”, “ahli zurafo” and “ahli dark” were rather developed.

Based on the achievements of the classical aesthetics of the Orient, the author analyzes the literary criticism of the given period, where one of the main tendencies was interpretation of the art text. While defining the level of development of the science about interpretation, the author is guided by hermeneutics, which is interpreted in the works of such West-European scientists as F.Schliermaher, M.Heidegger, G.Gadamer, K.Young and Russian scientists M.Bakhtin, Y.Lotman, D.Likhachev, Y.Borev and D.Khalizev.

Interpretation, in the author's opinion, is the desire to understand that specific language of art, through which the author speaks about the creation. The dissertation precisely shows the purpose and tasks of interpretation, thanks to which the text begins to speak, play by a set of motives. The interpretation is the disclosure of internal sense of the artistic work. The purpose of the interpreter is to comprehend the meaning of the uniform symbolic scattered through the whole text and lying in its basis. Besides, the author defines the personality of the interpreter, who understands the main purpose of the art and the specific function of the analyzed work.

In his dissertation, the author reveals why the theory of interpretation, or hermeneutics, did not develop in the Soviet literary criticism. In this chapter the author describes the emergence and development of the method of sociology founded by G.B.Plekhanov.

In the second chapter of the dissertation entitled "Problems of perception and target analysis of the works of art", attempt for the first time is made to fill the existing vacuum in the study of the historic-biographic method and the anthological, functional approach to the work of art. By defining basic scientific criteria of the historic-biographic method, the author, based on the works of separate literary critics, shows how superficially and vulgarly the writers' biographies have been covered. Here the author defines the place and role of the biographic method not only in analyzing autobiographical works, but also in the genre of the literary portrait – one of the genres of artistic criticism. Through disclosing anthological and historic-functional approach, the author shows today's shape of the Uzbek criticism.

In the third chapter of the dissertation the process of interpretation, ways of analysis and the task of the interpreter in it are shown. Problems of literary analysis and its types like "microanalysis", "structural analysis" and "the integrated-system analysis" of the artistic text are examined here. The chapter discloses general tendencies of the literary process of the 1980-90-es, as well as style peculiarities of the literary critics. By analyzing the styles of the two leading Uzbek critics, O.Sharafiddinov and M.Koshchanov, the author of the dissertation shows the lively atmosphere of the Uzbek literary criticism of the end of the 20<sup>th</sup> century.

Each individual chapter and the dissertation as a whole have the appropriate final part, which summarizes results of the research and theoretical conclusions of the author of the work.



Босишга рухсат этилди 31.01.2002. Ҳажми 2,5 босма табок.  
Бичими 60×84 1/16. Алади 60 нусха. Буюртма 32.  
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.